Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

2020-yil
2-iyul
payshanba

№ 22 (4460)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

ИСЛОХОТЛАР АМАЛДА

## ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ ҲАРБИЙЛАР



- Подполковник Исоқжон Холмирзаев раҳбарлик қилаётган ИИВ Ҳарбий тузилмаларининг фаолиятини таъминлаш базаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари, Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари ҳарбий қисмларини моддий-техник воситалар билан таъминлайди, муҳандислик техник воситаларини таъмирлаб, уларга техник хизмат кўрсатади.

- Ҳарбий хизматчилар ахборот-коммуникация технологиялари, алоқа воситалари, техник қўриқлаш воситалари ва ёнғиндан хабар бериш мосламалари, махсус ва компьютер техникалари ҳамда автотранспорт воситаларини таъмирлаш ҳамда техник хизмат кўрсатиш бўйича тадбирларни ўтказади.

- Яқинда инновацион техникаларни жорий этиш цехи бошлиғи, катта сержант Исроил Шайназаров бошчилигидаги ҳарбий хизматчилар томонидан «Қўрғон» замонавий техник қўриқлов тизими ҳамда «Нишон 5/15» компьютерлаштирилган дала ўқ отиш мажмуаси яратилди.

3



МУНОСАБАТ

## ЯХШИЛИККА ЯХШИЛИК БИЛАН...

Ҳаёт синовларга бой экан. Келинлар тушириб, набиралар кўрган ёшимда жиноят йўлига кириб қолдим. Ана шундай пайтларда атрофингда сени тушунувчи, маслаҳат берувчи, кези келса, ёрдамини аямайдиган яхши инсонлар сабаб йўлингни тўғри, мақсадингни аниқ белгилаб олишинг мумкинлигига яна бир бор амин бўлдим.

*(Давоми 6-бетда).*



## Фуқаролар исм-шарифидаги хатони тўғрилаш ёки уни ўзгартириш учун нима қилиши керак?

13



### *ЁШЛАР ШИЖОАТИ ЖЎШ УРГАН ЗАМОН*

4



### *ҚЎШ ИСТЕЪДОД СОҲИБИ*



5

### *ШКОЛА СМЕЛОСТИ И ОТВАГИ*



14

### *СОВРЕМЕННОЕ ЗДАНИЕ СЛУЖБЫ ПРОБАЦИИ*

19



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# КОРРУПЦИЯГА НИСБАТАН МУРОСАСИЗ БЎЛАЙЛИК

**Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш изчиллик билан олиб борилмоқда. «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, шунингдек, бу борада давлат дастурларининг қабул қилинаётганлиги юртимизда коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.**

Президентимизнинг 2019 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мазкур йўналишдаги изчил саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад юртимизда коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада ошириш, энг юқори даражадаги қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий имижини ошириш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

Олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатларга қарамасдан, коррупция ўзининг турли кўринишлари билан мамлакатимиз тараққиётига ғов бўлаётгани сир эмас. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, «Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак».




Давлатимиз раҳбари мазкур вазифалар ижросини тизимли ташкил этиш мақсадида Парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этишни таклиф этди.

Жорий йилнинг 29 июнь куни «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди. Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинган ушбу фармонга мувофиқ, эндиликда янги тузилма – **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** ташкил этиладиган бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Агентлик **коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш**, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади. У ўз фаолиятини **қонунийлик, холислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффофлик принциплари** асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, **Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунади.** Коррупцияга қарши курашиш ишларининг ҳолатини таҳлил қилиб, ҳар йили Президент ва Олий Мажлис палаталарига миллий ҳисобот киритиб боради.

Агентлик, шунингдек, мамлакатда **коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни** таъминлаш, коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ҳамда **коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш**; фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотларни тарқатиш орқали **жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш** каби бир қатор муҳим вазифаларни ҳам амалга оширади.

Ишонамизки, **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** ўз олдига қўйилган вазифаларни тўлақонли ва муваффақиятли тарзда бажаради. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш бўйича қилинаётган саъй-ҳаракатларга муносиб ҳисса қўшади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, она Ватанимиз келажагига, демакки, фарзандларимизнинг эртанги кунига бефарқ бўлмаган ҳар бир юртдошимиз бугун коррупциянинг ҳар қандай кўринишига қатъий муросасизлик билан муносабатда бўлиши лозим. Бу ҳар бир фуқаронинг, у хоҳ божхона, хоҳ ички ишлар органи ходими бўлсин, бош маслаги ва эътиқодига айланиши керак. Ана шунда кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

**Мирзаакрам ҚОДИРОВ,**
**Божхона институти Қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультети ўқитувчиси.**
**Мунис ХАЛИЛОВА,**
**божхона хизмати капитани.**

НАВБАТЧИЛИК ХИЗМАТИ

# САМАРАДОРЛИК ТЕЗКОРЛИККА БОҒЛИҚ

Андижон вилояти ИИБ Ташкилий бошқармаси навбатчилик қисмида доим ишчан муҳит ҳукмрон. Навбатчилик сменаси радиостанция, телефонлар, компьютер, шунингдек, видеокузатув камераларидан тасвир узатиладиган улкан мониторлар билан жиҳозланган кенг хонада хизмат ўтамоқда. Навбатчилик қисмининг тезкор навбатчиси, капитан Ҳамиджон Солиев телефон қўнғироқларига жавоб беради, унинг ёрдамчиси, сержант Илёсбек Эргашев эса содир бўлган ҳодисалар юзасидан кундалик маълумотларни тайёрлайди.



Хона ёнида тезкор мажлислар ўтказиш учун зал, йўлак охирида дам олиш хонаси, ошхона, душхона мавжуд.

– Хизмат ўташ тезкор ҳолатга қараб уч ёки тўрт сменали иш режимида ташкил қилинади. Ҳар бир сменанинг иш давомийлиги 24 соат қилиб белгиланган, – дейди Навбатчилик хизматларини ташкил этиш бўлими бошлиғи, майор Умиджон Солиев. – Навбатчилик вақтида ходимларга овқатланиш ва қисқа муддат дам олиши учун навбатма-навбат танаффуслар берилади.

Навбатчилик сменаси ходимлари ИИВ Марказий навбатчилик қисми, шаҳар ва туман ички ишлар бўлимлари навбатчилик қисмлари, патруль-пост хизмати, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, вазирликнинг вилоят ҳудудидаги ҳарбий қисмлари, фавқулодда вазиятлар бошқармаси билан доимий равишда алоқада бўлиб туради. Шу маънода, улар вилоят ҳудудидаги тезкор ҳолат ва ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва умумлаштириш билан шуғулланади. Жиноятчилар, жамоат тартибининг бузилиши, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда (жумладан, табиий ва техноген хусусиятга эга бўлган) вазиятлар ҳақида маълумот келиб тушганда, тезкор ҳаракатга тушади, оператив бошқарувда бўлган куч ва воситаларни бошқаради.

Навбатчилик қисмида «Ишонч телефони» куну тун ишлаб туради. Ҳар қайси фуқаро аноним шароитларда у орқали мурожаат қилиши мумкин.

**Борис КЛЕЙМАН.**
*Андижон вилояти.*

**Муаллиф олган суратлар.**

COVID-19

# КАСАЛЛИККА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШАМИЗ



Карантин даврида жамоат тартибини сақлаш ва эпидемиологик осойишталикни таъминлаш билан боғлиқ тадбирларга жалб этилган ички ишлар органлари ходимларини коронавирус инфекциясидан ҳимоя қилиш ҳамда хизмат олиб бораётган ходимларнинг соғлигини назорат қилиш мақсадида Тиббиёт бошқармасининг 10 нафар ходими карантин ҳудудларида иш олиб бормоқда.

ИИВ ЙҲХББда шахсий таркиб ўртасида тиббий кўрик ташкил этилди. Бу жараёнда касалликка гумон қилинган ходимлар чуқур тиббий текширувдан ўтказилди. Блок постларда кундузги ва тунги сменаларда хизмат олиб бораётган 376 нафар ходимдан тест намуналари олинди.

Афсуски, доимо халқ орасида хизмат фаолиятини олиб борганлари сабабли ҳам ички ишлар органлари ходимлари ўртасида касалликни юқтириб олиш ҳолатлари қайд этилмоқда.

Жорий йилнинг 26 июнь кунига қадар бириктирилган таркибдан коронавирус касаллигини лаборатор усулда текшириш учун 8238 та намуна олинди.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ИИББ, вилоятлар ИИБлари СЭНМлари томонидан ҳам шу кунга қадар жами 19911 та намуна олиниб, Санитария-эпидемиология осойишталиги марказлари лабораторияларида текширилди.

Мамлакатимизда карантин жорий этилганидан бошлаб ИИВ Марказий аппарати биноси ва алоҳида бош бошқарма, бошқармалар биноларида мунтазам равишда дезинфекция ишлари олиб борилмоқда. Биноларга кириш-чиқиш, назоратдан ўтиш жойларига дезбарьерлар ўрнатилган.

Барча ички ишлар органлари ходимларидан гигиена қоидаларига амал қилишни ва ўзимизни, оила аъзоларимиз ҳамда яқинларимизни бу балодан асрашга даъват этамиз.

**Азимжон МАҲАМАТОВ,**
**ИИВ Санитария-эпидемиология назорати бош маркази бошлиғи, подполковник.**

ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

# ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ ҲАРБИЙЛАР

**Янгиликка интилмаган, соҳага замонавий инновацион технологиялар татбиқ этилмаган тизим даврдан ортда қолиши, бутунлай таназзулга юз тутиши турган гап. Масалан, халқаро аэропорт ёки жазони ижро этиш муассасасида анча эскирган қўриқлаш ва алоқа воситаларидан фойдаланиш бугун қанчалик наф беради? Ёки кундан-кунга замонавий воситалар ҳаётимизга кириб келаётган, фойдаланилаётган бир пайтда объектларни турли хавфлардан муҳофаза қилишда уларнинг эскирган авлодини қўллаш тўғри бўлармикан?**

Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда ана шу жиҳатларга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Тегишли соҳавий хизматларнинг моддий-техника базасини янгилаш, замонавий қўриқлаш, алоқа, видеокузатув воситалари билан таъминлаш юзасидан кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Ислоҳотлар натижасида жорий йилнинг март ойида ИИВ Қоровул қўшинлари бош бошқармасига қарашли 7801-сонли ҳарбий қисми тугатилиб, унинг негизида ИИВ Ҳарбий тузилмаларининг фаолиятини таъминлаш базаси ташкил этилди. Мазкур база Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий тузилмаларини моддий-техник воситалар билан таъминлайди, муҳандислик техник воситаларини таъмирлаб, уларга техник хизмат кўрсатади.



ИИВ Ҳарбий тузилмаларининг фаолиятини таъминлаш базасининг асосий функцияларига вазирлик ҳарбий тузилмаларининг ҳарбий қисмлари томонидан қўриқланаётган объектлар, жазони ижро этиш колониялари ва аэропортларда мавсумий техник хизмат кўрсатиш, техник қўриқлаш ва ёнғиндан хабар бериш мосламаларини ўрнатиш, келтирилган техник қўриқлаш воситалари, компьютер ва ташкилий техникаларни ўрта ва капитал таъмирлаш киради. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар ахборот-коммуникация технологиялари, алоқа воситалари, техник қўриқлаш воситалари ва ёнғиндан хабар бериш мосламалари, махсус ва компьютер техникалари ҳамда автотранспорт воситаларини таъмирлаш ҳамда техник хизмат кўрсатиш бўйича тадбирларни ўтказади.

Айни пайтда базада алоқа воситалари ва компьютер техникаларини таъмирлаш, бўяш ва механика, инновацион техникаларни жорий этиш цехлари фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда хизмат кўрсатаётган ходимлар нафақат янги техникаларни ўрнатиш ва таъмирлаш билан шуғулланади, балки объектлар қўриқловида зарур бўладиган янги техникаларни ҳам ишлаб чиқишади. Яқинда инновацион техникаларни жорий этиш цехи бошлиғи, катта сержант Исроил Шайназаров бошчилигидаги ҳарбий хизматчилар томонидан «Қўрғон» замонавий техник қўриқлов тизими ҳамда «Нишон 5/15» компьютерлаштирилган дала ўқ отиш мажмуаси яратилди.

– Ҳозирда кўпгина жазони ижро этиш колонияларида қўлланаётган «Райҳон» техник қўриқлаш воситасидан «Қўрғон» тизимининг афзаллиги шундаки, у орқали ходим мажмуадаги соқчилар билан доимий алоқада бўлиб туради, – дейди Алоқа воситалари ва компьютер техникаларини таъмирлаш цехи бошлиғи, катта лейтенант Ҳумоюн Маҳматқулов. – Тизим қўриқлов, ёнғинга қарши ва алоқа воситалари, кузатув камераларини назорат қилиб туради. Бир сўз билан айтганда, бу тизим орқали барча воситалар бирлаштирилади.

Маълумки, суд ҳукми билан озодлиги чекланган ва ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган маҳкумларни масофадан туриб назорат қилиш кўпгина ривожланган давлатларда аллақачон амалиётга жорий этилган. База ходимлари томонидан бу жараёнда қўлланадиган техникаларни ўзимизда ишлаб чиқариш юзасидан хорижий давлатлар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Хусусан, Хитой Халқ Республикасининг «HYTERA» компанияси билан ҳамкорликда электрон чипли қўл браслетлари ишлаб чиқариш юзасидан дастлабки музокаралар ўтказилди. Ҳозирда бу лойиҳани амалга ошириш устида иш олиб борилмоқда.

Ҳарбий хизматчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун базада ҳамма шароит яратилган. Маърифат зали ва кутубхона батартиб жиҳозланган. Турли жанрдаги китоблар ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий, ҳуқуқий, сиёсий билимини мустаҳкамлашда қўл келмоқда. Шунингдек, зарур қулайликларга эга тренажёр зали ҳам ҳарбий хизматчиларнинг севимли масканига айланган. Бу ерда улар жисмоний тайёргарлигини ошириб, ҳар хил машғулотларни ўтказишмоқда.

Бундан ташқари, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда база шахсий таркиби ўртасида ўтказилаётган шахмат, шашка, футбол, тош кўтариш каби спорт турлари бўйича мусобақаларнинг аҳамияти катта бўляпти.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур база ҳарбий хизматчилари янгиликка интилувчан. Зеро, замон билан ҳамқадам ҳаракатда бўлиш, инновацион техникаларни кенг жорий этиш ривожланиш сари қадам эканлигини улар яхши билишади.

**Фозилжон МАМАШАРИПОВ,**
**«Postda» мухбири.**
**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**















КЎРИК-ТАНЛОВ

# ЁШЛАР ШИЖОАТИ ЖЎШ УРГАН ЗАМОН

**Тошкент шаҳар ИИББда 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан уч босқичдан иборат «Энг намунали ёш ходим» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда ИИББнинг 6 та соҳавий хизмати ҳамда 10 та туман ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси вакилларидан иборат жами 16 та жамоа «Ҳуқуқий саводхонлик», «Жисмоний ва жанговар тайёргарлик», «Маънавият ва адабиёт саводхонлиги» каби босқичларда ўзаро куч синашди.**





Асосий мақсади ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусни қўллаб-қувватлашдан иборат бўлган ушбу тадбирда ички ишлар органларида хизмат қилаётган ёш ходимлар билим ва маҳоратларини синовдан ўтказишди.

Иштирокчилар дастлабки босқичда ўзларининг хизмат фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатлари, ИИВ буйруқларининг мазмун-моҳияти ҳамда сиёсий ва ҳуқуқий тайёргарлиги бўйича билимларини синовдан ўтказишди. «Жисмоний ва жанговар тайёргарлик» босқичида эса барча жамоаларнинг аъзолари электрон тирда нишонни мўлжалга олиш бўйича мерганлик қобилиятларини ишга солишди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясии кенгашига қарашли «Яккасарой» спорт мажмуасида



100 ва 1000 метрга югуриш, шунингдек, эркаклар тўсинда тортиниш, аёллар эса арғимчоқда сакраш машқларини ҳам муваффақиятли бажаришди.

Қизғин ва муросасиз баҳсларнинг икки босқич натижаларига кўра, энг яхши кўрсаткичларни қўлга киритган ИИББнинг Тергов ва Жиноят қидирув бошқармалари ҳамда Чилонзор, Сергели ва Миробод туманлари бўйича ИИОФМБ жамоалари якуний босқичга йўл олди.



Кўрик-танловнинг барча шартлари шаффофлик ва адолат мезонлари асосида ўтишини таъминлаш мақсадида ИИББ Кадрлар бошқармаси ва ИИВ Ўз хавфсизлиги бошқармаси Тошкент шаҳар бўлими масъул ходимлари томонидан назорат қилиб борилди.

Жорий йилнинг 29 июнь куни эса «Маънавият ва адабиёт саводхонлиги» бўйича кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Фойеда меҳмонлар ва ходимлар учун ҳунармандчилик ва китоблар кўргазмаси намойиш этилди. Тадбирни ИИББ бошлиғи, полковник А. Тошпўлатов очиб, тизимда хизмат қилаётган барча ёш ходимларни байрам билан самимий қутлади ҳамда уларнинг келгуси фаолиятида улкан зафарлар тилади.

Ўзларининг ҳар томонлама иқтидор ва истеъдодларини намойиш этган ёш ходимларнинг қолган икки шарт бўйича чиқишларини Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, ИИВ Жамоатчилик кенгаши раиси Ё. Саъдиев раислигидаги ҳакамлар ҳайъати холисона баҳолаб борди.

Ушбу босқичда танлов иштирокчилари томонидан ижро этилган бадиий саҳна кўринишлари, жарангдор шеърлар ҳамда дилрабо куй-қўшиқлар томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Шундай қилиб, қизиқарли ва мазмунли тарзда ўтган кўрик-танловнинг якуний натижаларига кўра, барча рақибларини ортда қолдирган ИИББ Тергов бошқармаси жамоаси биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, Чилонзор тумани бўйича ИИОФМБ жамоаси иккинчи ўринга лойиқ топилди. Жиноят қидирув бошқармаси ҳамда Сергели ва Миробод тумани бўйича ИИОФМБ жамоалари эса учинчи ўринга муносиб кўрилди.



Ғолиб жамоаларга Тошкент шаҳар ИИББнинг диплом, пул мукофотлари ҳамда эсдалик совғаларини Ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси, генерал-полковник З. Алматов, ИИББ бошлиғи, полковник А. Тошпўлатов, ИИББ бошлиғининг маслаҳатчиси, истеъфодаги полковник М. Каримов ҳамда ҳакамлар ҳайъати раиси Ё. Саъдиевлар топширишди.



Кўрик-танловда фаол иштирок этган ходимлар орасидан «Энг фаол ёш ходим», «Энг яхши спортчи ходим», «Энг яхши мерган ходим», «Энг яхши бадиий чиқиш» ва «Энг фаол жамоа» номинациялари ғолиблари ҳам эълон қилинди.

Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари мадҳияси муаллифи, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо (Иқболжон Мирзаалиев) эса ватанпарварлик руҳидаги шеърларидан намуналар ўқиб барчани хушнуд этди.

Шундай қилиб, она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳини кучайтириш мақсадида ўтказилган ушбу тадбир пойтахтимиз осойишталиги йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган ички ишлар органлари ходимларига чексиз қувонч бағишлади.

**Михли САФАРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
**Шерали МИРЗАЧАЕВ**
**олган суратлар.**







ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ



# «ГЕНЕРАЛ ВА ЁШЛАР» ОНЛАЙН УЧРАШУВИ

**Ёши улуғ инсонлар, кекса авлод вакилларининг ҳаёти ёшлар учун ибрат мактабидир. Уларнинг эзгуликка, хайрли амалларга йўғрилган умр йўллари авлодларга қимматли ҳаёт сабоқларини беради. Яқинда Ёшлар ойлиги доирасида «Ёшлар пресс клуби»да ўтказилган «Генерал ва ёшлар» онлайн учрашуви ҳам шу жиҳати билан аҳамиятлидир.**

Ушбу учрашув Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда мардлик, фидойилик туйғуларини кучайтириш мақсадида ташкил этилган онлайн учрашувда генерал-полковник Қобилжон Бердиев, истеъфодаги генерал-лейтенант Илҳом Ибрагимов, истеъфодаги генерал-майорлар Алексей Косяненко, Эркин Норгитов иштирок этиб, хизмат фаолияти, бу йўлдаги қийинчиликлар, устозлари ва ўқиган китоблари ҳақида ёшларга гапириб беришди.

**ИИВ ЖИЭББ**
**Ахборот хизмати.**



# ҚЎШ ИСТЕЪДОД СОҲИБИ

**Қашқадарё вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси ва унинг қуйи тизимларида малакали терговчилар қонунийликни таъминлаш, жиноятларни ҳар томонлама тўла ва холисона тергов қилиш борасида кўплаб муваффақиятларга эришиб келмоқда.**

Эътиборли жиҳати, вилоят ички ишлар органларида хизмат фаолиятини олиб бораётган терговчилар китобхонлик ва спорт соҳаларида ҳам фаол. Майор Бекзод Турдибоевни ҳам ана шундай ходимлар сирасига киритиш мумкин.



Бекзод Турдибоев 2014 йилда ИИВ Академиясини тугатган. Айни пайтда вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг тергов фаолиятини ташкиллаштириш бўлими катта терговчиси лавозимида хизмат қилмоқда. У спортнинг қўл жанги тури билан мунтазам шуғулланиб келади. Вилоят ИИБ терма жамоаси аъзоси сифатида ўтказилган вилоят ва республика мусобақаларида совринли ўринларни қўлга киритган.

– Спорт инсонни ҳам жисмонан, ҳам руҳан тарбиялайди, камолотга етказади, – дейди майор Бекзод Турдибоев. – Ишонч билан айта оламанки, ҳаётимда, хизмат фаолиятимда спортнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Дарвоқе, ўтган йилнинг май ойида вилоят ИИБ ва Ёшлар иттифоқи кенгаши билан ҳамкорликда ички ишлар органларининг ёш ходимлари ўртасида ўтказилган «Энг яхши китобхон» танловида лавҳамиз қаҳрамони фахрли биринчи ўринга муносиб кўрилди. Ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтказилган «Темур тузуклари билимдони» танловининг вилоят босқичида эса иккинчи ўринни эгаллади.

– Майор Бекзод Турдибоев эришган ютуқлари билан чекланиб қолмайди, доимо ўз устида ишлайди. Тадбирларда фаол иштирок этиб, ички ишлар органи ходими деган юксак номга муносиб эканлигини ҳар томонлама исботлашга ҳаракат қилиб келмоқда, – дейди вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Алимардон Эргашев.

Бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз, дейдилар. Бекзод хизмат фаолиятидан вақт орттириб, санъатнинг рассомчилик йўналишида ҳам ижод қилади. Унинг асарларида портрет жанри ва табиат манзараларини тасвирлаш бош мавзуга айланган.

**Содиқ РАҲИМОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Қашқадарё вилояти.*

МОЛОДЕЖЬ – НАШЕ БУДУЩЕЕ

# ЛЮБАЯ ЗАДАЧА РЕШАЕМА

**Старший лейтенант Илёсжон Адхамов родился в селе Чек жалалар Риштанского района Ферганской области. В 2016 году, окончив Академию МВД, начал служить в подразделении профилактики правонарушений Риштанского РОВД. Сейчас работает инспектором профилактики в махаллях Богистон и Дехконобод.**



Илёсжон трудится во взаимодействии с активистами сходов граждан махалли. Любая возникающая проблема решается совместно с населением.

За истекший период года наш герой помирил три семьи, стоявшие на грани развода, проявляет активность в предупреждении скандалов. Так, молодая семья, в которой растут двое детей, из-за недопонимания и взаимных претензий дошла до крайней степени – женщина с детьми вернулась в родительский дом.

Инспектор профилактики постарался разузнать, какая атмосфера в последнее время царила в семье. Он вместе с активистами махалли побеседовал с супругами, указал им возможный путь решения проблемы. Молодой отец осознал свои ошибки и вернул супругу. В результате своевременно принятых мер семья избежала развода.

**Недавно *старший лейтенант* Илёсжон Адхамов отличился – помог поймать опасного преступника. Дело было так. Гражданин Н. К., 1990 года рождения, проживающий в Риштанском районе, ранее судимый по нескольким статьям УК, совершил кражу и решил скрыться от возмездия в столице. Его объявили в розыск.**

**Через несколько дней рецидивист решил вернуться в Фергану. И. Адхамов, получив необходимую информацию, задержал опасного преступника вместе с коллегами – лейтенантом А. Сотволдиевым и старшим лейтенантом А. Кулдошевым.**

**Бывалый вор снова предстанет перед судом.**

**Абдувосит СИДИКОВ,**
**корреспондент «Postda».**
*Ферганская область.*

# Проявляя высокую ответственность

**Молодой специалист, отличник, выпускник Академии МВД Республики Узбекистан следователь СО при УКД ОВД Бектемирского района г. Ташкента лейтенант Достон Эгамбердиев пришел он в профессию, не только продолжая потомственную династию правоохранителей (в семье, а также среди родственников есть сотрудники и ветераны органов внутренних дел), но и, что важнее всего, по призванию.**

На вопрос: чем привлекло его именно следственное направление, а не другие, не менее ответственные и сложные подразделения органов внутренних дел, герой моего повествования ответил, что работа следователя – это прежде всего трудный, многоступенчатый и интересный путь к познанию истины, к которой необходимо идти упорно и целенаправленно.

В Следственном отделе при УКД ОВД Бектемирского района столицы новичка приняли тепло. Его наставником стал начальник СО полковник Низомиддин Икрамов. Профессионал, имеющий высокие моральные и служебные качества и принципы, умудренный богатым опытом работы полковник Икрамов щедро делится знаниями с Д. Эгамбердиевым, помогает и ценным советом, и наработками.

Первое дело, которое было поручено вести лейтенанту Д. Эгамбердиеву, касалось торговли ранее неоднократно судимым жителем столицы наркотикосодержащими препаратами. Наученный своеобразным опытом в своем преступном ремесле, подследственный пытался внести неразбериху в процесс, намеренно путал показания, но в итоге все равно спасовал перед новичком, настойчиво, шаг за шагом продвигавшимся к истинному положению дел.

Впереди у лейтенанта Д. Эгамбердиева много задач, которые необходимо выполнить на самом высоком профессиональном уровне. Он идет к поставленным целям уверенно, на хорошем счету у начальства, за короткий срок работы в следственном



звене завоевал уважение коллег, много работает над своим кругозором, совершенствуется в стремлении стать опытным специалистом.

Встав на путь профессии следователя, я хочу выразить благодарность своему наставнику полковнику Н. Икрамову за то, что он передал мне свой богатый опыт и навыки.

**Георгий ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент «На посту».**

МУНОСАБАТ

# БИР КИШИНИНГ ФИКРИ БИЛАН УМУМИЙ ФИКР ЎЗГАРМАЙДИ



**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири.**

**Ички ишлар органлари шундай тизимки, ходимлари ўз ҳаловатидан воз кечиб юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат олиб борадилар. Бошқа соҳалар кишилари кунига олти ёки саккиз соат ишласа, осойишталик посбонлари учун вақт деган тушунча йўқ. Тунда ҳам, қаҳратон совуқда ҳам, жазирама иссиқда ҳам, ҳар доим улар хизматга шай.**

Ҳамма соҳаларда масъулиятли ва масъулиятсиз одамлар бўлади. Масалан, журналистикага, адабиёт ёки санъат соҳасига адашиб кириб қолганлар бор. Худди шунингдек, ички ишлар органларида шахсий манфаатини барча нарсадан устун қўядиган ходимлар ҳам бўлиши мумкин. Бу табиий. Бироқ мазкур ҳолат узоқ йиллик тажрибага эга бўлган соҳанинг чинакам фидойилари шаънига доғ тушира олмайди. Бинобарин, ички ишлар органлари ходимларини халқимизнинг кўпчилик, ҳа, жуда кўпчилик қисми ҳурмат қилади. Айниқса, бошига ташвиш тушганда, уларнинг кўмаги билан мушкули осон бўлган, ҳақиқат қарор топишига эришган одамлар ғоят миннатдор улардан. Бунга кўплаб ҳаётий мисолларни келтириш мумкин.

Эрталаб ишга келаётганимизда, кечқурун уйга қайтаётганимизда кўчаларда, жамоат жойларида ички ишлар органлари ходимлари тартиб ва осойишталик сақлаб туришади. Бу жуда муҳим вазифа. Негаки, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида тартиб-интизом бўлиши лозим. Барча фуқаролар мавжуд тартиб-қоидаларга, меъёрий талабларга амал қилиши зарур. Айни шу улуғвор мақсад йўлида жонбозлик кўрсатаётган ички ишлар органлари ходимларини эса ҳурмат қилишимиз керак.

Узоққа бормайлик, «Сардоба» фожиаси, Бухородаги табиий офатлар жараёнида уларнинг фидойилиги яққол намоён бўлди. Ёки яқин ўтмишда рўй берган Фарғона ва Сурхондарё воқеаларида кимлар ҳаётидан, азиз жонидан воз кечиб бўлса-да, тинчликни асраш йўлида кўксини қалқон қилди? Ички ишлар органлари ходимлари. Шунинг учун бир кишининг фикри билан умумий фикр ўзгармайди. Фикр шундайки, жамоатчилик фикри бор ва шахсий фикр-мулоҳаза бор. Инсоният шунақаки, одамларда шундай бир кайфият борки, агар сизнинг муаммонгизни ҳал қилиб берса, ҳамма, жумладан, журналист ҳам, суд ҳам, ички ишлар органлари ходими ҳам, прокурор ҳам яхши. Лекин сиз айбдорсиз, қонунни бузгансиз ёки одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмагансиз. Шуни айтсангиз, ким ёмон – сиз ёмон, бошқа одамлар ёмон.

...Бундан эллик йиллар олдин республика ёшлар газетасида мухбир бўлиб ишлардим. Хизмат сафари билан Тошкент вокзалидан поездга чиқдим. Фарғона водийсига боришим керак эди. Бир ички ишлар органи ходими Қўқонга кетаётган экан, ҳамроҳимга айланди. Битта купеда гаплашиб кетдик. Журналистлигимни билгач, бир воқеани айтиб берди.

Айтишича, беш йил муқаддам ўғрилик ва безорилик жиноятини содир этган бир йигитни ушлаган, унга нисбатан жиноий иш очилиб, уч йилга қамалиб кетган экан. Шу йигит жазо муддатини ўташ жараёнида қилмишидан тегишли хулоса чиқариб, ижобий томонга ўзгарибди. Икки ярим йил деганда озодликка чиқибди. У ходимга сиз мени жазоламаган экансиз, балки ёмон йўлдан қутқариб қолган экансиз, деган мазмунда хат ёзибди. Қамоқхонада икки ярим йил ётиб, онасининг жанозасида ҳам қатнаша олмаганини, кўп нарсаларни йўқотган бўлса-да, тўғри йўлга ўтганини айтибди. Мактуби сўнгида эса уйланаётганлигини айтиб, тўйига таклиф қилибди. Ҳамроҳим ўша йигитнинг тўйига кетаётган экан. Бунақа воқеалар жудаям кўп.

Кузатишимча, матбуотда, айниқса, бадиий адабиётда, ички ишлар органлари ходимларининг қаҳрамонона хизматлари, инсонийлик фазилатлари, бурчга садоқати ҳақида кам ёзилади.

Жаҳон адабиётида, дейлик, Шерлок Холмс мураккаб муаммоларни оқилона ечиб, очилмаган жиноятларни фош этиб, ноҳақ қамалганларни оқлаб, севимли қаҳрамонларимизга айланган. Бундай асарларни севиб ўқиймиз. Бизда ҳам Шерлок Холмс даражасидаги изқуварлар жуда кўп. Улар ҳақида, уларнинг фидойи меҳнатлари ҳақида жуда кўп ёзишимиз керак.

Сўровномалар ҳам ўтказса бўлади. Айтайлик, ҳаётингизда ички ишлар органлари ходимларига ишингиз тушганми, улар билан боғлиқ қандай воқеалар бўлган деган яхши деталларни топиш керак. Нафақат «Postda–На посту», бошқа газеталарда ҳам шу мавзуни ёритиш мавриди келди деб ўйлайман. Буни адабиётга ҳам татбиқ қилса бўлади.

Соҳада узоқ йиллар ишлаган ходимлар қишлоқда дейсизми, шаҳардами, бирор жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир бўлса, дарҳол бу кимнинг иши эканлигини билади. Ким нимага мойил, ким қиморбоз, ким майхўр ва бошқа-бошқа ҳаммасини кўз ўнгидан ўтказади. Бу – катта ҳаётий тажриба маҳсули. Булар ҳақида ёзишдан мақсад уларни мақташ эмас, шу соҳага энди кириб келаётган ёш ходимларга тажриба мактабини вужудга келтиришдир.

Шу маънода, республикамизнинг бошқа нашрларида «Ички ишлар органи ходими менинг тақдиримда» ёки шунга ўхшаш рукн ташкил қилинса, айни муддао бўларди, деб ўйлайман. Майли, кимгадир нисбатан ноҳақлик қилинган бўлса, униям ёзсин, газетада бериш керак. Ана шунда ички ишлар органларининг имижи юксалади, касбига садоқатли, ҳақиқий қаҳрамон ходимларга нисбатан халқимизнинг ҳурмати, эътибори ошади.

# ЯХШИЛИККА ЯХШИЛИК БИЛАН...

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

... Болалигим қийинчилик билан ўтди. Еттинчи синфни тамомлашим билан турмушга узатиб юборишди. Икки нафар фарзандли бўлдим, афсуски, иккови ҳам туғма хасталиклар билан дунёга келди. Эрим фарзандларимни қўлимга тутқазиб уйдан ҳайдаб юборди. Шу билан сарсон-саргардон кунларим бошланди: на бошпанам, на тайинли ишим бор эди. Ижарама-ижара яшаш бездириб юборганди.

Шундай кунларнинг бирида бир аёл танишим билан учрашиб қолдим. У пулга институтга киришни хоҳловчи абитуриент топсам, бундан менга ҳам яхшигина улуш чиқариб беришини айтиб қолди. Ноилож, ҳарна қарзларимдан қутуларман деган умидда қинғир ишга бош қўшдим: институтга киритиш учун бировдан бировга пул олиб бериб, қўлга тушдим...

Қилган ишимдан қаттиқ пушаймон бўлиб, ич-ичимдан азобландим. Энди оиламнинг, фарзандларимнинг аҳволи нима кечади деб сиқилдим. Тергов жараёнида миокард инфаркти хуруж қилиб, ерга узала йиқилдим. Ходимлар дарҳол дастлабки ёрдам кўрсатишди. Аҳволим жуда ёмонлигидан уларнинг: «Муқаддас опа, яшашингиз керак! Ҳаёт учун курашинг!» деганлари қулоғимга элас-элас чалинарди. Яна эсимда қолгани менга қараган эр-хотин шифокорлар галма-гал қўлимни кафтлари орасига олиб, худди ўз онасига меҳр кўрсатгандек кечаю кундуз бошимда ўтиришди. Ўшанда барчамиз касалликни бирга енгдик десам ишонаверинг.

Тергов ҳибсхонасида бўлганимда, Фаррух исмли ўғлим тенги оддий сафдор ходим эрталабки назоратни қилиб бўлгач, бизларга юзланиб: «Илоҳим, барчангиз эсон-омон озодликка чиқинг, тезроқ оилангиз бағрига қайтинг. Ахир, сиз – ўзбек аёллари бу ерда қаддингиз дол бўлиб ўтирса, биз эр йигитлар бошимизни қандай тик кўтариб юрамиз? Сизнинг жойингиз бу ерда эмас!» дерди. Бу гапларни шунчаки тинглаб туролмасдик, кўзларимиздан шашқатор ёш оқарди, виждонимиз азобланиб, кўксимизга муштлаб йиғлардик. Пушаймонлик ҳисси янаям эзарди...

Жазо муддатини Самарқанддаги манзил колониясида ўтаб юрган кезларим Президентимизнинг афв этиш тўғрисидаги фармони шарофати билан озодликка чиқдим. Қанчалик севинсам-да, аммо юрагимнинг бир четида: «Энди буёғига қандай яшайман? Ана, қамоқдан чиққан аёл келяпти...» деб қўлини бигиз қилиб кўрсатишса, қандай бош кўтариб юраман, деган ҳадик ва хавотир ҳам йўқ эмасди.

Иккиланишлар билан Сирдарё вилояти Оқолтин тумани ИИБ бошлиғи, подполковник Жасур Шерқуловга учрашдим. У киши мени очиқ чеҳра билан кутиб олди. Ишонасизми, қаршисида жиноятчи ё жазо муддатини ўтаб қайтган аёл эмас, бир муштипар аёл – она ўтирганини ҳис қилиб, меҳр билан муомала қилди. Котиба қизга:

– Меҳмонимизга дарров чой олиб келинг, – деди ва ҳалимлик билан суҳбат бошлади. Эринмасдан мени тинглади, гапларимни бўлмади. Қайтага: «Биздан сизга қандай ёрдам керак?» деб сўради. Ўша кундан буён менга туман раҳбарлари, ички ишлар органи ходимлари, маҳалла раиси ва фаоллари – ҳамма-ҳаммаси катта ёрдам беришди. Оқолтин тумани ИИБ ҲПБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, лейтенант Дилфуза Усмонова билан эса она-боладек бўлиб кетдик, ҳали-ҳали қўнғироқ қилса: «Лаббай, қизжоним», деб мурожаат қиламан. Айнан Жасур Шерқуловнинг саъй-ҳаракати, беминнат ёрдами туфайли уйли, ишли бўлдим. На ўзим, на ўғилларимда муқим турар-жой йўқлигини ҳисобга олиб, арзон уй-жойлардан ажратилди.

Мени Юртбошим, халқим кечирди, энди жиноят кўчасига киришга ортиқ ҳаққим йўқ! Ички ишлар органлари ходимлари мени тўғри ҳаётга қайтишимда асосий тиргак бўлди. Турли сабаблар билан, билиб-билмай жиноятга қўл ураётган опа-сингилларимизга бу йўлдан қайтинг, дейман. Нони қаттиқ бўлса-да, ҳалол бўлсин. Қамоқхонада ўзим қанча аёлларнинг афсус-надоматларига, пушаймонликларига гувоҳ бўлдим. Ўз ҳаётимда кўрганларим, кузатганларим ва улар асосида чиқарган хулосаларимни жамлаб «Аёлларнинг аччиқ қисмати» номли китоб ёзиб, нашрга тайёрлаяпман. Ҳозир менга ёрдам қўлини чўзаётганлар кўп. Бироқ вақтни ортга қайтариш имкони бўлганда, асло ўша жиноятни қилмаган, маҳкума деган номни олмаган бўлар эдим...



Адашган кишиларни яхшилик билан тарбия қилса бўлади, дейишса очиғи, ишонмасдим. Мана, бошимдан кечирганларимни сўзлаб бердим. Ҳеч бир гапим ҳавойи эмас, мени тузалиш йўлига бошлаган айнан ички ишлар органлари ходимлари бўлади. Агар улар бўлмаганида, эҳтимол, яна фирибгарлик йўлини танлаб, суднинг қора курсисида ўтирган бўлармидим... Шундай экан, қадрга қадр, яхшиликка яхшилик билан жавоб бериш барчамизнинг виждон амримизга айланишини истардим.

**Муқаддас АБДУРАСУЛОВА.**
*Сирдарё вилояти.*

ЯЗЫК – ЗЕРКАЛО НАЦИИ

# СИМВОЛ САМОСОЗНАНИЯ НАРОДА



**Каждый народ придает приоритетное значение сохранению и развитию своей культуры, родного языка – символа национального самосознания.**

– Во исполнение Указа Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка как государственного языка» от 21 октября 2019 г. профессорско-преподавательским составом кафедры изучения языков Академии МВД Республики Узбекистан осуществляется целенаправленная работа по дальнейшему совершенствованию системы и содержания обучения государственному языку курсантов образовательного учреждения, – говорит заместитель начальника кафедры подполковник Анвар Курганов. – В течение минувшего учебного года разработаны комплексы, основанные на новых методических решениях и подходах, в соответствии с современными педагогическими технологиями обеспечено преподавание узбекского языка курсантам групп с русским языком обучения. При этом в основу кафедральной модели обучения заложен принцип профессиональной направленности, предусматривающий формирование у курсантов навыков грамотного составления процессуальных и иных юридических документов на государственном языке.

**– Какие наработки – учебники, пособия по обучению государственному языку имеются в распоряжении кафедры?**

– Профессорско-преподавательским составом подготовлены оригинальные учебники «Ўзбек тили», «Юристнинг ёзма нутқи», а также пособия «Ҳуқуқшунослик мутахассислиги тили», «Хизмат ҳужжатларидан намуналар», «Ўзбек тилида иш юритиш бўйича машқлар тўплами» и др. Эти издания содержат информацию профессиональной направленности на уровне текстов, диалогов и т.д., а также систему упражнений по комплексному развитию устной и письменной речи обучающихся.



**– Известно, что изучение любого языка происходит более эффективно и результативно, если не ограничиваться лишь аудиторными занятиями…**

– Это верно. Большое внимание преподавателями кафедры уделяется организации внеаудиторной работы с курсантами. В 2019-2020 учебном году согласно утвержденному плану систематически проводили дополнительные и факультативные занятия, вели кружковую работу. Так, весьма результативно прошел 30-часовой факультативный цикл занятий, посвященный Захириддину Мухаммаду Бабуру, Абдулле Кадыри и другим великим представителям нашего народа. Занятия вызвали неподдельный интерес у курсантов. Такую практику проведения факультативов обязательно продолжим и в новом учебном году.

Кроме того, в целях воспитания юношей и девушек в духе любви к родному языку, повышения у них читательской культуры регулярно организовывались презентации изданий, просветительские мероприятия, посвященные государственному языку, на которые были приглашены ведущие ученые-филологи, известные деятели культуры. В числе последних мероприятий такого рода могу назвать цикл встреч, открытых занятий, посвященных жизни и творчеству поэта, писателя, драматурга и публициста Абдулхамида Чулпана, проведенных в мае-июне на Аллее литераторов. Они проходили под девизом «Литература – сердце и душа народа». В исполнении курсантов вдохновенно звучали фрагменты произведений Чулпана, воспоминания его современников. Несколько в ином формате провели литературный вечер «Понять Чулпана» в Информационно-ресурсном центре Академии, а также викторину «Знатоки творчества Чулпана». С удовлетворением хочу подчеркнуть, что в организации и проведении этих мероприятий самое непосредственное и активное участие принимали наши курсанты, среди них К. Попова, Ю. Дырова, Л. Исаков и многие другие.

**Беседовал Радик ТУМПАРОВ, корреспондент «На посту».**

ОБРАЩЕНИЯ ГРАЖДАН

# Проблемы людей – в центре внимания

**Недавно с соблюдением всех требований карантина состоялось оперативное совещание с участием начальника Организационного управления УВД Наманганской области подполковника А. Абдухамидова. Мероприятие было посвящено работе с обращениями физических и юридических лиц, проведенной инспекторами групп работы с обращениями граждан подразделений УВД области. Состоялся обмен информацией, были озвучены мнения по рассматриваемой теме.**

Анализ состояния дел по поступившим в УВД Наманганской области обращениям показал, что за пять текущих месяцев года было подано 4 725 обращений. Их количество уменьшилось в сравнении с аналогичным периодом прошлого года. 2 970 из них нашли свое положительное решение, в 1 208 случаях даны соответствующие правовые разъяснения.



Уровень доверия граждан к органам внутренних дел является одним из критериев эффективности работы сотрудников. В связи с этим были поставлены конкретные задачи по рассмотрению обращений, поступающих в Виртуальную приемную Президента Республики Узбекистан по телефонам доверия МВД и Генпрокуратуры республики.

Кроме того, до сотрудников доведены поручения, данные на видеоселекторном совещании, состоявшемся 15 июня нынешнего года с участием министра внутренних дел, касающиеся неукоснительного соблюдения стражами порядка законности и служебной дисциплины.

В рамках совещания прошла презентация методического пособия о порядке делопроизводства по обращениям физических и юридических лиц в органы внутренних дел. Данная рекомендация разработана в целях обеспечения подготовки ответов на обращения согласно законодательству и нормативным документам Министерства внутренних дел.

**Азиза ЖАНИЕВА, корреспондент «На посту».**
*Наманганская область.*

ТЎЙХАТ ЎРНИДА

# НОТИҚЛИК САНЪАТИНИНГ БИЛИМДОНИ

**Серкирра олим, филология фанлари номзоди, доцент Раҳимбой Жуманиёзовни кўпчилик «Сирли сандиқ», «Иқтидор» интеллектуал-телевизион ўйинлари орқали яхши танишади. Унинг ўтмиш маданиятимизнинг калити бўлган араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувини ўргатиш борасидаги саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовордир. Олим бу борада телевидение ва радио, матбуот орқали кўплаб чиқишлар қилди, қатор рисола, китоб ва ўқув қўлланмалари нашр эттирди. Айниқса, «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган «Эски ўзбек ёзуви» китобидан ҳозирга қадар филология ва тарих йўналишидаги таълим муассасаларида асосий қўлланмалардан бири сифатида фойдаланиб келинади.**



Унинг бундан анча йиллар аввал Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали эфирга узатила бошлаган «Алифбо сабоқлари» муаллифлик кўрсатуви ҳалиям кўпчиликнинг ёдида.

Раҳимбой Жуманиёзов бир муддат Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармасининг нашри «Вақт-время» газетасида ҳам ишлаган. Шунингдек, у Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасининг ташаббусига мувофиқ жазони ижро этиш муассасаларидан хизматда фойдаланиш учун тайёрланган «Мени кечиринг, одамлар», «Иқрор», «Эътироф ва эътироз», «Пушаймонлик қисмати» ҳамда «Бебошлик балоси» номли ҳужжатли фильмларнинг муаллифидир. ИИВ ЖИЭББ билан «Иқтидор» видеостудияси ҳамкорлигида тайёрланиб, «Ўзбеккино» миллий агентлиги томонидан тасдиқланиб, кенг омма эътиборига ҳавола этилган «Қора илон», «Бегона» ва «Ота» номли бадиий фильмларнинг продюссери ва ҳаммуаллифи бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг гиёҳвандликка қарши курашишдаги матонатини акс эттиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

У чорак аср мобайнида турли аудиторияларда нутқ маданияти ва нотиқлик санъати бўйича дарс бериш асносида шу соҳага оид қатор рисола ва ўқув қўлланмалари тайёрлади. «Нутқий маҳорат», «Ғоявий тарбияда нотиқлик санъати», «Тошкентдан гапирамиз», «Дил – қулф, тил – калит», «Муомала маданияти», «Таълим, тарбия, тафаккур, тараққиёт», «Нотиқлик санъати», «Маънавият тарғиботи», «Сиз нотиқ бўлишни истайсизми?» каби китоблари шулар жумласидандир. ИИВ Марказий аппаратининг кўпгина ходимлари ҳам унинг нутқ маданияти ва нотиқлик санъати бўйича сабоқларидан баҳраманд бўлишган. Зеро, осойишталик посбонлари учун ҳам ўз фаолиятларида бу борадаги билим ва малакалар жуда муҳимдир.

Фурсатдан фойдаланиб зукко олимимизни 60 ёшга тўлгани билан муборакбод этиб, унга янгидан янги илмий ва ижодий муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Бобомурод ТОШЕВ.**

СОҲА МАЛИКАЛАРИ

# «ҲАР АЁЛНИНГ ЯХШИ ЯШАШГА ҲАҚҚИ БОР»

**Аёлнинг ҳимоячиси бўлиш осонмас. Айниқса, оилада уни тушунишмаса, қилдан қийиқ ахтариб, айблаверишса, хўрлайверишса. Бундай муҳитда унинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинишининг олдини олиш ғоят мушкул иш. Ички ишлар органларида ана шундай машаққатни ўз елкасига ортмоқлаган фидойи инсонлар бор.**



Денов тумани ИИОФМБ 1-сонли ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳининг хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, капитан Моҳинур Қурбонова ўз зиммасига ана шундай муҳим ва ўта масъулиятли вазифани олган ходимлардан биридир.

– Ҳар бир инсоннинг яхши яшашга, ҳаётдан завқланишга, ўз эркича ҳаёт кечиришга ҳаққи бор, – дейди капитан Моҳинур Қурбонова. – Жумладан, тақдирнинг аёвсиз тарсакиларидан чарчаган, баъзан оддийгина инсонларга хос истаклари, эркинлиги чекланган хотин-қизларнинг ҳам. Бугун турли ҳуқуқбузарликларга, жиноятларга қўл ураётган хотин-қизларимизнинг умр дафтарини бир варақлаб кўринг-да. Уларнинг ҳаммаси ҳам қасддан бу ишга қўл урмаганини, балки муайян шарт-шароитлар шунга мажбур қилганини кўрасиз. Тўғри, нима бўлганда ҳам, улар қилмишига яраша жазосини олади. Аммо жазони ўтаб бўлганидан кейин-чи? Яна рисоладагидай ҳаётга қайтиши, атрофдагилар билан эркин мулоқотга киришиши учун уларга озгина кўмак, ёрдам керак. Бирозгина бўлса ҳам кўнглининг туб-тубида чўкиб ётган дардига қулоқ тутиб, ярасига малҳам қўймоқ зарур.

Ҳа, қаҳрамонимиз ана шу кемтик кўнгилларга малҳам қўйиб, адашганларни жамиятда ўз йўлини қайта топиб олишида елкадош, маслакдош бўлиб келмоқда. У муқаддам судланган ёки оиласида зўравонликка учраётган хотин-қизларга ҳам руҳан, ҳам амалий ёрдам беришга бел боғлаган.

Моҳинур Термиз туманида, ўқитувчилар оиласида туғилган. Бу касбни танлашига эса онаси – физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори Санам Чориева сабабчи бўлган. Унинг берган тарбияси, қатъиятли, эркин фикрли бўлишга, ҳаётда қийналганларга ёрдам беришга ундаган ўгитлари туртки берган.

Моҳинур 2008 йили ИИВ Академиясига ўқишга кирди. Олий таълим муассасасини тамомлагач, 2012 – 2016 йилларда Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармасида, 2016 – 2019 йилларда Ангор тумани ИИБда ишлади. Ўтган йили уни хизмат вазифасини давом эттириши учун Денов туманига юборишди. Каттагина тажриба тўплаган Моҳинур бу ердаги фаолиятида ҳам хотин-қизлар билан ишлайдиган маҳалла мутахассислари, жамоат ташкилотлари, отинойилар билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Уларнинг кўмаги билан кўплаб муваффақиятли ташаббусларга қўл урди.

– 24 нафар муқаддам судланган хотин-қиз учун бепул тиббий кўрик ташкил қилдик. 5 нафар хотин-қизни доимий иш ўрнига эга бўлишида кўмаклашдик. Зўравонликка учраганларнинг 10 нафарига ҳимоя ордери олиб бердик, – дейди капитан Моҳинур Қурбонова. – Айниқса, «Мен муваффақиятли аёлман» акциямиз ўнлаб хотин-қизларимиз ҳаётида муҳим босқич бошланишига туртки бўлди. Ушбу акция доирасида маҳаллаларда ҳаётда кўплаб ютуқларга эришган турли касб эгалари бўлмиш аёллар, намунали қайноналар билан учрашувлар ташкил қиляпмиз. Улар қийинчиликларни қандай енгиб ўтгани, ютуқларга қандай эришгани ҳақида сўзлаб беришади. Бундай инсонларга бўлган ҳавас кўп ҳолларда бошқаларни ўз қобиғидан чиқишга ундайди. Мен ҳам ўз қобиғига, муаммоларига ўралиб қолган хотин-қизларни шундай олдинга интилишини хоҳладим. Ва шу акцияни ўтказишга қарор қилдим. Ҳарҳолда, натижалар ёмон бўлмаяпти.

Жамиятдан бироз четлашиб қолган кишининг тилини топиш осон эмас. Аммо Моҳинур жиноят содир қилган аёлларни тузалиш йўлига қайтариш ёки зўравонликка учраганларга ҳимоя ордери олиб бериши учун аввал улар билан соатлаб суҳбат қуради. Улар ички кечинмалари, ҳиссиётлари, юрагини кемириб ётган аламларини Моҳинур билан ўртоқлашади.

– Биласизми, бундай аёллар доим ёлғиз бўлишади. Ҳақиқатдан қочишади. Уларни бундай қоронғиликдан олиб чиқиш керак. Гарчи бу анча мураккаб бўлса-да, мен ўз ишимдан завқланаман. Улар билан самимий суҳбатлашаман. Бундай вазиятда инсон психолог ҳам бўлиши керак. Шунинг учун ҳам келгусида психология йўналишида ўқишни режалаштиряпман. Ҳатто бу борада илмий изланиш ҳам қилиш ниятим бор, – дейди қаҳрамонимиз суҳбатимиз сўнгида.

Ўз касбини юксак қадрлайдиган Моҳинур бугун 3 нафар фарзанднинг онаси. Турмуш ўртоғи ҳарбий. У ҳам оилада бека, ҳам меҳрибон она, ҳам паноҳ истаган хотин-қизларга ҳимоячиликни уддалаяпти. Орамизда капитан Моҳинур Қурбонова каби матонатли ходимлар сафи кенгаяверсин.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА.**

*Сурхондарё вилояти.*

БИЗНИНГ ГЕНЕРАЛЛАР

# МАТОНАТЛИ ВА САДОҚАТЛИ ИНСОН ЭДИ

**Генерал-майор Ислом Сатторов ким ўзи?! Бугунги ёшларимиз уни биладими? Ислом Сатторов 1924 йил 24 декабрда Самарқанд шаҳрида туғилди. Унинг болалиги жуда қийин кечган. Ҳаёт ташвишлари эрта синовдан ўтказган, ҳали суяги қотмаган бола меҳнат қилишга мажбур бўлди.**

Умрининг айни навқиронлик даври Иккинчи жаҳон урушига тўғри келган. Мактабни битиргач, фронтга юборишларини сўраб ариза ёзган Ислом 1943 йилдан фашистларга қарши жангларда қатнашган. Пулемётчилар ротасида бўлинма командири вазифасини бажарган. Кейинчалик командирлар таркибини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларини тамомлаб, аввалига сержант, сўнгра кичик лейтенант унвонини олган. Ўқчилар полкининг ёшлар етакчиси, дивизия сиёсий бўлими бошлиғининг ёрдамчиси лавозимларида хизмат қилган.

Рафиқаси Зоя Бахрамовнанинг айтишича, «Ислом ака хизмат бурчига кўра, ички ишлар органлари ходими, истеъдодига кўра эса – рассом ва журналист бўлган». Устоз Самарқанддаги рассомлик билим юртини тамомлаган. Уруш йилларида унинг ҳарбий мухбир сифатида газеталарда қатор мақолалари чоп этилган.

**Ислом Сатторов фаолиятини илмсиз тасаввур қила олмаган. Доимо ички ишлар органлари ходими ўта билимли, мулоқотда ҳушёр ва зийрак бўлишини талаб қилиб келган. Устознинг ҳаёт йўли бугунги ёшларга ибратдир. Тиришқоқлиги ва интилувчанлиги боис у киши Магадан университетининг фалсафа факультети кечки бўлимини, кейинчалик Қозоғистон давлат университети ва собиқ иттифоқ ИИВ Олий мактабини имтиёзли диплом билан тугатган.**

Кейинчалик И. Сатторов қаерда хизмат қилмасин, кишиларга яхшилик қилиш истаги билан яшаб, ажойиб инсон эканлигини намойиш этди. 1945 йили у ички ишлар органлари тизимидаги фаолиятини бошлади. Олтой ўлкаси, Қозоғистон, Хабаровск, Магадан, Чукотка, Колима ва бошқа вилоятларда оғир ва мураккаб шароитларда самарали хизмат қилган.



**1969 йилдан бошлаб Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг турли соҳавий хизматларида фаолият кўрсатган И. Сатторов 1973 йилдан истеъфога чиққунига қадар, яъни 1984 йилгача Тошкент шаҳар ИИББга раҳбарлик қилди. Бу даврда тартиб-интизом ва қонунийлик мустаҳкамланди, ходимлар ўртасида қонунбузарлик камайди. Айнан шу лавозимда хизмат қилиб, генерал-майор унвонига эришди.**

Ҳамон эсимда, «Postda» газетасининг 2001 йил 16 август сонида босилган мақолада устоз генерал ҳақида қуйидаги фикрлар ёзилган эди: «Эслашларича, у ўзаро суҳбатларда, баъзан хизмат кенгашларида ҳам, виждонига хилоф иш қилгандан кўра, қотган нон еб, сув ичиб, тирикчилик қилиш афзал эканлигини айтарди. У бошқаларни ҳам шунга чақирар, ишонтира олар, чунки таъсирчан гапира биларди. Кўпинча қуйидагича маслаҳат берарди у: «Кўзгудаги аксингизга диққат билан тикилиб, ўзингиздан: «Ҳалол яшаяпманми, эрта бир кун яқинларим, танишларимнинг ҳақли таънаю дашномига қолмайманми?» деб сўраб кўринг».

У хизматга масъулият ва талабчанлик билан ёндашарди. Ислом Ғаффорович фидойилик намуналарини кўрсатиб, ҳозирги Тошкент шаҳар ИИБ нинг чиройли ва маҳобатли биносини қурдиришга, унинг замонавий тарзда жиҳозланишига эришди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида «ўзбек иши» ёки «пахта иши» бичиб тўқилганида, бошқа бегуноҳ ватандошларимиз қатори Ислом Ғаффоровичнинг тақдирига ҳам соя солинди. У ўта иродали ва сабр-бардошли инсон эди. Барча ноҳақликларни матонат билан енгиб чиқди. Пенсияга чиққанидан сўнг ҳам фаол турмуш тарзи билан яшади. 1985 йилда Тошкент электротехника заводининг кўп ададли «Электротехник» газетасида муҳаррир бўлиб ишлади. Айни шу пайтда, 1985 йилнинг 26 август куни Ислом Сатторов тўсатдан қамоққа олинади. Собиқ иттифоқнинг Тошкент, Москва, Петропавловск, Екатеринбург, Ашхобод, Нижний Тагилдаги энг катта қамоқхоналарида унинг азобли кунлари кечади.



**Очиғи, ўша таҳликали дамларда «Труд» газетасининг Ўзбекистонни «порахўр», «ўғри-муттаҳамлар» босиб кетганлиги ҳақида ҳаммадан кўп жар солган нашр эканлигини кўпчилик ҳамюртларимиз билмаса керак. Шу ўринда ўша пайтда «Труд» газетасидаги генерал Ислом Сатторов ҳақида уюштириб ёзилган қуйидаги фикрлар хотирамизда жонланади: «У органга тасодифан кириб қолган одам. Борйўғи тасвирий санъат билим юртини тамомлаган. Узоқ йиллар милицияда иккинчи даражали ишларда ишлади. Ўз ишида муносиб ўрнашиб қолиш истаги Сатторовни ўқиб, изланишга мажбур қилган».**

«Московские новости» газетаси эса «Шундай пора олишлар маълумки, уни ҳеч ким терговда рад этолмайди. Бу шон-шуҳрат, маънавий қадрият Рашидовни катта ёзувчи даражасига қандай кўтарган бўлса, Тошкент милицияси бошлиғи Сатторовни ҳам улар шундай йирик журналист ҳисоблашарди», деб туҳмат қиларди. Бундай асоссиз бўҳтонлар кетма-кет уюштириларди. Бу борада Гдляннинг мўмай пулига учиб, ёлланган ёзувчи, мухбир ва журналистлар устаси фаранг эди.

Ана шундай усуллар билан Сатторовнинг «айби»ни оширaверишди. У эса ўта ҳалол, қатъиятли инсон бўлгани учун ҳам терговда фақат ва фақат ҳақиқатни гапирди. Терговчилар унга қарши 116 ҳолатни тўқиб-бичишди, судгача шундан 33 таси етиб борди. Суд 33 ҳолатдан фақат учтасини қолдирди. 1990 йилнинг 8 июнида И. Сатторов беш йиллик қамоқдан сўнг озод этилади.

**Россия Федерациясининг Олий Суди 1992 йилда дастлабки икки айбни бекор қилди. Сўнгги айб – хизмат мавқеидан фойдаланиб, ноқонуний йўл билан квартира олганлиги ҳақидаги хулоса ўз кучида қолди. Афсуски, суд республикамиздан ташқарида бўлиб ўтган.**

... Бир фидойи одамнинг қисмати ана шундай туҳматлар гирдобида қолган эди. Лекин бундай жонфидо кишилар ҳаёти зое кетмайди.

1992 йил 30 мартда матонатли, ҳалол ва букилмас иродали инсон — Ислом Сатторов 68 ёшида вафот этади. Генерал-майор Ислом Ғаффорович юртпарвар, адолат ва қонунийликка ҳаётининг мезони сифатида қараган, касбий бурчини муқаддас деб билган, хизматлари орқали эътибор ва қадр топган фидойи инсон эди. 2004 йилнинг 21 майида пойтахтимизнинг Сергели туманидаги кўчалардан бирига Ислом Сатторов номи берилгани ҳам у кишига бўлган юксак эҳтиром ифодасидир.

Генерал Ислом Ғаффоровичнинг қалби ҳам, уйлари ҳам покиза эди. У рафиқаси Зоя Бахрамовна, фарзандлари Амир ва Тимурга, келинлари, жажжи набиралари ва дўстларига меҳрибон эди.

Устозимизнинг ўтган йили 95 ёшини хотирлаб, нишонладик. Афсуски, бугун у киши орамизда йўқ, лекин устоз-мураббийнинг залворли умри ва бой ҳаётий мероси ёш ходимлар ва келажак авлод учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

**Баҳодир МАТЛЮБОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи, генерал-лейтенант.**

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# МЕДИЦИНСКАЯ КУЛЬТУРА В ПЕРИОД КАРАНТИНА

**11 марта 2020 г. Всемирная организация здравоохранения объявила, что эпидемия COVID-19 достигла уровня пандемии, и призвала государства принять неотложные и решительные меры для обуздания коронавируса.**




Конституция нашей страны гарантирует каждому право на наивысший достижимый уровень здоровья. Государство принимает все возможные меры для предотвращения возможных угроз здоровью граждан, оказания населению квалифицированной медицинской помощи.

Стандарты в области прав человека допускают ограничения определенных свобод в случае возникновения ситуации, угрожающей здоровью и жизни людей. Такие меры вводятся в законном порядке.

Наше государство осуществляет мероприятия, направленные на обеспечение медицинской помощи гражданам и надлежащего ухода в случае возникновения эпидемий, минимизацию риска заражения, обеспечивает необходимой информацией, надлежащей защитной одеждой и оборудованием. Работники здравоохранения и лица, привлекаемые к борьбе с коронавирусом, проходят соответствующую противоэпидемическую подготовку. Им выдается защитная экипировка, поскольку борьба с распространением COVID-19 невозможна без использования работниками медучреждений санитарно-гигиенических средств и специального снаряжения.

Основной и самой главной рекомендацией в период карантина является строгое соблюдение всеми жителями страны санитарно-гигиенических норм, которые сводятся к элементарным действиям и не требуют специальной медицинской подготовки.

К ним относятся:

**– мытье рук.** Руки могут являться источниками инфекции. Их необходимо мыть и после того, как сняли перчатки, потому что возбудитель COVID-19 может попасть на поверхность кожи при контакте с тележкой в супермаркете или дверной ручкой при входе в магазин. Достаточно после этого лишь один раз прикоснуться к лицу, чтобы подвергнуть себя риску заражения.

**– ношение перчаток.** Сейчас врачи обращают внимание даже на процесс надевания и снятия медицинских перчаток. Необходимо потянуть перчатку и полностью снять ее, удерживая другой рукой, которая еще в перчатке. Затем осторожно и медленно вставить палец чистой руки внутрь приспущенной перчатки на





другой руке. Следует подхватить пальцем перчатку изнутри и снять с другой руки, вывернув ее полностью наизнанку. Во время длительного ношения у перчаток расширяются поры, и вирус может проникать непосредственно на руки. Поэтому когда снимаем перчатки, это вовсе не значит, что руки являются стерильными. Помните о том, что длительное ношение перчаток лишь усугубляет ситуацию. Материал под воздействием тепла человеческого тела расширяется, поры становятся больше. Это увеличивает риск попадания патогенов на кожу. К тому же под перчатками образуется идеальная среда для их распространения. Поэтому использование перчаток имеет смысл только в короткий промежуток времени.





**– использование масок.** Защитная повязка не может на 100 процентов предотвратить попадание инфицированного воздуха. При ее ношении степень прилегания к коже незначительна, то есть предупредить здорового человека от заражения в здании с инфицированным воздухом маска неспособна.

Защитная повязка должна плотно закрывать рот и нос, не оставляя зазоров. Старайтесь не касаться маски. Если это произошло, тщательно вымойте руки с мылом или обработайте антисептиком. Если вы ухаживаете за больным, после окончания контакта с ним маску следует немедленно снять и тщательно вымыть руки. Использованную одноразовую маску следует немедленно выбросить.

Защитные повязки могут иметь разную конструкцию, быть одноразовыми или применяться многократно. Нельзя все время носить одну и ту же маску, тем самым вы можете инфицировать самих себя. Она вдвойне необходима, если вы находитесь в месте массового скопления людей, общественном транспорте, при уходе за больным. Ее использование снижает возможность передачи вируса от человека к человеку, защищает от вдыхания вируса с капельками слизи, выделяемыми при разговоре, чихании или кашле.

При ношении маски следует учитывать следующие моменты:

– при наличии водоотталкивающей пропитки ее необходимо надевать непропитанным темным слоем внутрь;

– если она разноцветная, яркий цветной слой должен быть снаружи;

– петли для ушей и завязки пришиваются также с наружной стороны.

Медицинскую маску следует обязательно носить всем, но особое внимание правилам ношения защитной повязки должны уделять люди, имеющие инфекционное заболевание, способное передаваться воздушно-капельным путем.

Маска сегодня – тот предмет, без которого невозможно выйти на улицу.

Соблюдение вышеперечисленных рекомендаций, поможет уберечь себя, своих близких и знакомых от болезни.

**Шахло АБДУЛЛАЖАНОВА,**
**заместитель начальника Медицинского управления МВД Республики Узбекистан, полковник.**

ВЕТЕРАНЫ ВСЕГДА В СТРОЮ

# ГЛАВНОЕ – БЫТЬ ПОЛЕЗНЫМ

**27 лет жизни подполковник в отставке Анвар Халимов посвятил служению Родине. На счету оперуполномоченного сотрудника УВД Самаркандской области немало раскрытых преступлений. Сегодня он владелец фермерского хозяйства.**



Если вы посетите его детище, то будете поражены масштабами проделанной работы и удивитесь тому чуду, которое создал человек своим трудом.

Не каждый сможет вырастить новые сорта виноградника на песчанике, где некогда был карьер. Это дело требует трудолюбия, упорства, самопожертвования и терпения. У Анвара Халимова есть все эти качества. Для того чтобы поставить на ноги свое хозяйство и приносить пользу людям, он, не жалея средств и сил, отправлялся в другие регионы Узбекистана, привозил новые сорта винограда, учился у фермеров секретам виноградарства.

Наш герой также занимается животноводством, держит на небольшой ферме 50 голов племенного крупного рогатого скота, растит коз, разводит рыбу. За годы кропотливого труда он напоил водой из артезианских скважин 9 гектаров обезвоженной земли, превратив ее в сад. Согласитесь, не каждый молодой человек способен на такое, тем более ветеран, заслуживший отдых своей самоотверженной службой Родине.

Анвар Халимов вернулся из армии, окончил вечернее отделение исторического факультета Самаркандского государственного университета, по направлению пришел в Самаркандское областное управление внутренних дел и проработал там 27 лет. После долгой и преданной службы Отчизне он ушел в отставку в звании подполковника.

Анвар Халимов по праву может гордиться не только садом, но и своими детьми. Один из его сыновей, ныне покойный Алишер, пошел по стопам отца, служил в отделе уголовного розыска УВД Самаркандской области. Он одним из первых начал раскрывать тяжкие преступления, применяя в работе современные технологии, и заложил базу, которая впоследствии помогла развить этот метод в нашей области. Алишер посвятил свою жизнь сохранению покоя и безопасности людей. Он погиб 3 января 2017 года при исполнении служебного долга. За самоотверженность и героизм его посмертно наградили медалью «Жасорат».

Еще двое сыновей продолжают дело Анвара Халимова. Улугбек Халимов – майор, в настоящее время служит в системе УВД Самаркандской области. Хуршед окончил Самаркандский сельскохозяйственный институт, трудится в фермерском хозяйстве. Дочь, Интизор Халимова, окончила СамМИ, в данное время работает преподавателем в Самаркандском медицинском колледже.

Анвару ака и его супруге Сайёре опа некогда скучать – их окружают 12 внуков. Анвар ака – человек любознательный, много читает, особенно любит книги по истории, интересуется новыми технологиями, применяемыми в сельском хозяйстве, занимается спортом. В его доме много цветов. Он любит ухаживать за ними. Сайёра опа в шутку даже ревнует его к цветам.

– Желание служить людям и обществу, наверное, заложено в генах, – говорит ветеран. – Мои предки были кази и миршабами, а отец, Тухтамурод Халимов, всю жизнь служил в системе МВД. Выйдя на пенсию, он основал в Самаркандском районе добровольное пожарное общество. Мама занималась воспитанием 10 детей. Сегодня в стране созданы все условия для тех, кто хочет трудиться на благо семьи и народа. Надо помнить о том, что каждый миг бесценен. Для того чтобы прожить полезную и плодотворную жизнь, человек должен любить свою работу, тогда он принесет пользу и себе, и окружающим. Ведь главное – быть полезным людям.

**Захир ХАСАНЗОДА.**

АСПЕКТ ПРОФИЛАКТИКИ

# Забота о людях

**Фарход Холов родился в селе Далмун Жандарского района Бухарской области. С детства он мечтал быть военнослужащим, как его отец, майор в отставке Хамид Холов. Рассказы о смелых, самоотверженных и решительных защитниках Родины крепко запечатлелись в сознании мальчика, указывая путь к мечте.**



Фарход понимал, что страж Отчизны должен быть закаленным, поэтому занялся борьбой. Кроме этого он хорошо учился. Постоянные занятия со школьных лет стали неотъемлемой частью его жизни.

Окончив факультет социологии Бухарского государственного университета, молодой человек прошел военную службу и сдал документы в органы внутренних дел. Благодаря хорошей физической подготовке и отличным знаниям он успешно прошел все испытания и достиг поставленной цели.

Фарход Холов начал работу контролером следственного изолятора № 3 УВД Бухарской области. Проявил себя целеустремленным и старательным сотрудником, благодаря чему заслужил уважение коллег и руководства.

С 2008 года он работает в службе профилактики. С 2017 года по настоящее время занимает должность инспектора профилактики ОП № 39 ОВД №4 УКД ОВД города Бухары.

На территории МСГ «Ситораи Мохи-хоса», закрепленной за майором Ф. Холовым, проживает 3 540 граждан, расположено около 10 учреждений, столько же частных клиник, 6 садоводческих и овощеводческих хозяйств.

– Жители нашей махалли спокойные, поэтому за истекшие четыре месяца не было зафиксировано ни одного преступления и правонарушения, – говорит майор Ф. Холов. – Здесь расположены санатории, различные организации, автостанция «Бухара», что дает поводы для возникновения непредвиденных ситуаций, но все разрешается в рамках закона. Недавно, к примеру, помирили две семьи, находившиеся на грани развода.

Семью Фархода Холова можно смело назвать спортивной. Они никогда не пропускают утреннюю зарядку. Супруга нашего героя, Мухайе Сулайманова, преподает в Бухарском спортивном колледже, сын Мухаммадали учится в 6-м классе. На вопрос о том, что он больше всего любит, сын отвечает: занятия спортом.

Фарход является смелым и отважным сыном своей Родины. Благодаря таким стражам спокойствия в нашей стране царят мир и порядок.

**Мирзокул АХАДОВ,**
**корреспондент «Postda».**

***На снимке:*** *майор Фарход Холов на службе.*

**Фото автора.**

*Бухарская область.*

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# КАРАНТИН ДАВРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТ

**Бугунги кунда тождор вирус дунё афкор оммасини жиддий хавотирга солаётгани сир эмас. Бу хасталик билан касалланганлар сони кун сайин ортиб бораётгани дунё миқёсида жуда катта ташвиш уйғотиб, башариятни янада ҳамжиҳат бўлишга ундамоқда. Мамлакатимизда «кўринмас» вирус оқибатида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар ўз вақтида тўғри баҳоланиб, жиддий қарорлар қабул қилинди.**



**Мансур МУСАЕВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори.**

Тарихдан маълумки, ўзбек халқи қадимда ҳам мана шундай оғир синовларга дуч келиб, машаққатларни мардонавор енгиб ўтган. Мамлакатимизда тождор вируснинг кенг тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида республикамиз бўйлаб карантин жорий қилинди. Касалликнинг олдини олиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, коронавирус пандемиясининг олдини олишда, энг аввало, шахсий гигиена талабларига риоя этиш муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, карантин даврида фуқароларимизда тиббий маданиятни янада юксалтиришга биринчи галдаги вазифа сифатида қаралмоқда. Коронавирус инфекциясини юқтирган ёки ушбу инфекцияни юқтирганликда гумон қилиниб уй шароитида карантинга олинган шахсларни дори воситалари, ниқоб ва тиббий буюмлар билан таъминлаш тиббиёт ходимларининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Айниқса, карантин шароитида фуқароларимизга ўз соғлиғини асраш учун карантин қоидаларига қатъий риоя қилиш борасида мунтазам тушунтириш ишларини олиб бораётган ички ишлар органлари ходимларининг ўз касбига бўлган масъулияти таҳсинга сазовордир.

**Муқаддас ислом динида ҳам инсон саломатлигини сақлаш мақсадида табобат илмига алоҳида эътибор қаратилган. Ҳадиси шарифларда вабо тарқалган жойга бормаслик ва у жойдан бошқа жойга чиқмаслик тўғрисида кўрсатмалар берилган.**

Юртимизда коронавирусга қарши кураш тадбирларига республика бўйича 16 мингга яқин тиббиёт ходими жалб этилган. Шифокорларнинг айтишича, пандемия тарқалишининг олдини олиш, бу офатни енгишда ижтимоий масофа сақлаш энг самарали воситадир. Бугунги кунда барча куч ва воситалар, маблағ ва ресурслар хасталик кенг тарқалишининг олдини олиш, вирус билан касалланганларни талафотларсиз соғайтириш, бутун мамлакатнинг санитария-эпидемиология ҳолатини барқарорлаштиришга йўналтирилган. Мана шундай синовли кунларда ўз соғлиғи, ҳаётини гаровга қўйиб, Ватан, халқ учун хизматга бел боғлаган тиббиёт, ички ишлар органлари, Миллий гвардия ходимлари, жамики фидойи инсонларга ҳар қанча таъзим қилсак арзийди.

Тождор вирус балосини бартараф этиш учун шифокорларимизнинг халқимиз саломатлиги йўлида кўрсатаётган хизматлари том маънода қаҳрамонликдир. Улар касаллик кенг тарқалишига йўл қўймаслик учун карантин қоидаларига амал қилмасликнинг салбий оқибатлари юзасидан аҳолига тушунтиришда ҳам олдинги сафлардадир.

Таъкидлаш жоизки, бугун карантин сабаб халқимизда тиббий маданият янада яхши шаклланмоқда. Аксариятимиз кўчага тиббий ниқобсиз чиқмасликни ўрганган бўлсак, уйга кирганда қўлни ювиш, шахсий гигиенага риоя қилишни одатга айлантирдик.

Халқимиз «ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп» деб бекорга айтмаган. Юртдошларимиз синовли дамларда бир-бирига елкадош бўлиб, пандемияни енгиб ўтишмоқда. Очиғини айтиш керак, бу бало барча давлатларнинг кучли ва заиф томонларини яққол кўрсатиб қўйди. Ҳар жиҳатдан тараққий этган давлатлар ҳам мазкур касаллик олдида саросимага тушиб қолгани бор гап. Эътиборли жиҳати – шундай шароитда Ўзбекистон ўз фуқароларини ҳар қандай вазиятда ҳам ҳимояга олишга қодир давлат эканлигини яна бир бор намоён этмоқда. Давлатимиз коронавирусни жиловлаш, «COVID-19» инфекциясига чалинган беморларни аниқлаш ва даволаш, профилактика қилиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олди. Мамлакатимизнинг бу буюк инсонпарварлик фазилати жамиятимизда қарор топган тинчлик ва осойишталикни, одамларимиздаги хотиржамликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерришнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга йўллаган мактубида шундай сўзлар бор: «Сизнинг ҳукуматингиз томонидан Ўзбекистон Республикасида вируснинг тарқалишини жиловлаш, шунингдек, пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий, жумладан аҳолининг энг эҳтиёжманд қатлами учун оқибатларини юмшатиш бўйича кўрилган қатъий чораларни юксак баҳолайман».




**Тан олиш керак, мамлакатимизда «COVID-19»га қарши кураш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда. Хориждан юқумли касалликнинг кириб келишига йўл қўймаслик учун чегаралар ёпилди, чет элда қолган фуқароларимиз чартер рейслар билан олиб келиниб, карантинга олинмоқда, беморларни ташхислашда самарали усуллар қўлланилмоқда, уларни даволаш учун тўртта янги шифохона бунёд этилди. ОАВда мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлар олиб борилаётгани ҳам ижобий самара бераётир. Шунга қарамай, пандемия яна бўй кўрсатмоқда, мамлакатимизда касалликка чалинганлар сони ортиб боряпти. Бу карантин қоидаларига, шахсий гигиена талабларига, шифокорлар тавсиясига риоя этмаслик натижасидир. Жамоат транспортида «масофани сақланг» деган огоҳлантириш бўлса-да, салонда йўловчилар бир-бирига шунчалик яқин турадики, игна ташласангиз ерга тушмайди. Савдо дўконларида, шохобчаларида ҳам шу аҳвол. Худди карантин бекор қилингандек, ниқоб тақмасдан кўча кезаётган, тўпланиб олиб маишат қилаётганларнинг қилмишини қандай тушуниш мумкин?!**

Бу кетишда касаллик янада авж олиши, пандемиянинг олдини олишга сарфланаётган катта-катта маблағлар ҳавога совурилиши мумкин. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, карантин талаблари кучайтирилмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Шундай экан, барчамиз зийраклик ва эҳтиёткорлик билан карантин қоидаларига тўлиқ амал қилишимиз шарт. Бу хавф бутун дунёда бутунлай бартараф этилмас экан, хотиржамликка берилишга асло ҳаққимиз йўқ. Шундагина синовлардан мардонавор ўтишимиз, халқимизни коронавирус балосидан асрашимиз, иқтисодиётимизни барқарор сақлаб қолишимиз, халқаро майдонда нуфузимизни йўқотмаслигимиз кафолатланади.

Хулоса қилиб айтганда, юзага келган ҳозирги вазият юртимизнинг ҳар бир фуқароси зиммасига улкан масъулият юклайди. Бир сўз билан айтганда, карантин талабларига, хусусан, тиббий маданиятга сўзсиз риоя қилиш зарур. Унутманг, «коронавирус инфекцияси менга юқмайди» деб ҳозирча ҳеч ким кафолат беролмайди. Барчамиз ҳамжиҳатликда мутахассисларнинг тавсиялари ва талабларига оғишмай риоя қилсак, ушбу синовдан мардонавор ўтамиз.









ОНА ТИЛИМ – ЖОНУ ДИЛИМ

# ИСМ-ШАРИФИНГИЗ ТЎҒРИ ЁЗИЛГАНМИ?



**Ҳар қандай ёзув инсон тафаккурига таъсир кўрсатади. Агар ёзув давлат тилида, адабий тил қоидаларига мос ёзилган бўлса, ижобий таъсир қилади, давлат тили қоидалари бузиб ёзилган матн эса салбий таъсир кучига эга бўлади. Масалан, жамоат транспортидаги ёзувлар: йўналиш номи, бекатларнинг номланиши ва шу каби маълумотлар давлат тилида бўлиши шарт. Акс ҳолда, Кибрай, Чирчик, Газалкент, Куйлюк, Коканд шаклидаги ёзувларни ҳар куни кўраверіб, кўзи пишиб кетган йўловчида «демак, мана шу ёзувлар тўғри ёзилган экан» деган тасаввур шаклланиб қолади. Ёки дўконлардаги ёзувлар: бўлимлар, савдо ёрлиқлари, нархномаларнинг давлат тилида ёзилиши жуда муҳим. Масалан, мясо (гўшт), говядина (мол гўшти), баранина (қўй гўшти), фарш (қийма), росто (суяксиз гўшт) ва бошқа шу сингари ёзувлар ҳар сонияда минглаб кишиларнинг назарига тушади. Бу эса давлат тили ҳақидаги қонунга риоя қилмаслик, яъни ҳуқуқий маданият, миллий ғурур ва ифтихор етишмаслигидан дарак беради.**




Ачинарлиси, исм-шарифимиз ФҲДЁ органларида қандай, масалан хато ёзилган бўлса, шундай ёзишга мажбурмиз. Чунки расмий ҳужжатларда туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ва фуқаролик паспорти билан бир хил ёзилиши талаб этилади. Буларнинг ҳаммаси туғилганлик ҳақидаги гувоҳномадан бошланади: **Иркин, Иргаш, Алим, Джура, Дильфуза, Хаджаев, Хаджиев** каби ёзув шакллари ҳужжатдан ҳужжатга кўчиб ўтаверади. Масалан, Ядгаров Тулкун Гафурович сингари ёзилган исм-шарифли фуқаронинг фарзандлари энди Тулкунов(а) деб ёзиладими? Хўш, бу ҳолат охир-оқибат нимага олиб келади? Табиийки, имло саводхонлигига путур етади, муборак исмларимиз топталади, миллий ғурурдан мосуво бўламиз.

Фуқаролар исм-шарифидаги хатони тўғрилаш ёки уни ўзгартириш учун нима қилиши керак?

– Ўн олти ёшга тўлмаган боланинг туғилганлик ҳақидаги далолатномаси ёзувига ўзгартиш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш ота-онасининг биргаликдаги ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг аризаси орқали амалга оширилади, – дейди Тошкент вилояти Қибрай тумани ФҲДЁ бўлими инспектори Дилноза Акрамхўжаева. – Агар шахс исмига хон, бек, биби сингари, ота исмини ёзишда **евич, овоич, ўғли, қизи, зода** ва бошқа қўшимчаларни киритишни ёки олиб ташлашни истаса, бу унинг ёшидан қатъи назар, далолатнома ёзувига қўшимча киритиш йўли билан бажарилади. Ўн ёшга тўлган боланинг исм-шарифини ўзгартиришга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади. Боланинг розилиги ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан берилган аризада унинг шахсий имзоси билан ифодаланади. Бунинг учун туғилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхаси, ота-онасининг паспорт нусхалари, никоҳ гувоҳномаси, туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувидан кўчирма (агар ФҲДЁ бўлимида мавжуд бўлмаса) талаб этилади. Шундан сўнг бир ҳафта мобайнида фуқароларга жавоб берилади.




Исм-шарифларни ўзгартириш учун баъзида шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспортда ота-онасининг исмлари баъзи фарзандларининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларида тўғри, айримларида эса хато бўлиши мумкин. Паспорт алмаштиришда юзага келган хатолик болаларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларида ҳам намоён бўлади.

Уни ўзгартиришга бир неча ўнлаб ҳужжатлар, уларнинг асл нусха эканлигини тасдиқлаш учун ўнлаб идоралардан маълумотномалар олиш учун бир неча кунлаб вақтингиз кетади. Бюрократия тўсиғига дуч келасиз. Наҳотки, фамилия, исмимиздаги икки ёки учта ҳарфни ўзгартириш учун шунча оворагарчилик зарур бўлса? Кўп соҳаларда енгиллик бўлаётган бир пайтда,

**...мясо (гўшт), говядина (мол гўшти), баранина (қўй гўшти), фарш (қийма), росто (суяксиз гўшт) ва бошқа шу сингари ёзувлар ҳар сонияда минглаб кишиларнинг назарига тушади. Бу эса давлат тили ҳақидаги қонунга риоя қилмаслик, яъни ҳуқуқий маданият, миллий ғурур ва ифтихор етишмаслигидан дарак беради.**

балки шу муаммони ФҲДЁ органлари орқали жойида ҳал этиш вақти келмадими?



Бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан пенсияга чиқиш тартибининг соддалаштирилганидан кексаларимиз мамнун. Нотариусда кўчмас мулк, хусусан, уйларнинг олди-сотди шартномаси учун олдингидек ўнлаб ташкилотларга бориб, бир дунё ҳужжатлар йиғиш, оворагарчилик, қоғозбозликка чек қўйилди. Уйдан чиқмасдан туриб онлайн кредит олиш ва бошқа кўплаб қулайликлар яратилаётганидан аҳоли хурсанд.

Техника ва ахборот-коммуникациялари ривожланган бир пайтда, фуқароларнинг паспортларидаги мавжуд хатоларни тўғрилаш ёки исм-шарифларни ўзгартириш учун қулайликлар яратилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Юқорида келтирилган камчиликларни бартараф этишдан ташқари, бугунги кунда давлат тилини ривожлантириш соҳасида кўплаб ташкилий-амалий чора-тадбирлар кўриш зарур. Бунинг учун, аввало, ҳар бир ташкилот раҳбари ва масъул ходимлари давлат тилида саводли гапира олиш ва ёзиш малакасини эгаллаш керак.

Эътибор қаратишимиз лозим бўлган яна бир жиҳат, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг барча каналларидаги ёзувлар назорат қилиниши, кўрсатувларга ном танлашда миллий манфаат ҳисобга олиниши – «Hi-Tech», «Top retsept», «Скетч-шоу», «Реал хит», «Toshkent live», «Zamon live», «Телеинтернет оригинал» каби номлардан воз кечилиши лозим. Агар телекўрсатувларда саводсизликка йўл қўйилса, бу миллионлаб телетомошабинларнинг саводхонлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбек тилида кўча, майдон, меҳмонхона номлари, жамоат транспортидаги ёзувлар, савдо шохобчаларидаги ёзув билан боғлиқ амалиёт, реклама матнлари, ҳар бир ташкилот (фирма) номининг ўзбек тилида тўғри ёзилиши ҳам назоратга олиниши лозим. Чунки тўғри берилган ҳар бир ном ва унинг ёзилиши ўзбек адабий тили манфаати нуқтаи назаридан ҳал қилинади.

Шунингдек, ўзбек тили, адабиёти, нутқ маданияти билан мунтазам шуғулланаётган олимлар, мутахассислар, она тилимизни тарғиб этиб келаётган шахслар «Ўзбек тили байрами куни»да рағбатлантириб борилиши ҳам давлат тили нуфузининг ошишида муҳим ўрин тутади.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ.**
**«Postda» мухбири.**

## *Она тилини фарзандидан устун қўйган аёл*

*«Парижда доғистонлик рассомни учратиб қолдим», деб ҳикоя қилади авар шоири Расул Ҳамзатов «Менинг Доғистоним» асарида. Муаллиф қаерда бўлмасин Ватанига бўлган соғинч ҳисси мусаввирни қийнаганини эшитгач, табиийки сураларига кўчган бу туйғуни кўришга қизиқади.*

*Рассомнинг «Ватан соғинчи» деб номланган суратида италян аёл (рассомнинг хотини) қадимий аварликлар кийимида тасвирланган бўлса, қадимий авар афсонаси асосида яратилган тиканли бута шохида ўтирган қуш ҳам улкан соғинчни эслатиб турарди гўё...*

*«Париждан қайтганимдан кейин рассомнинг қариндошларини излаб топдим», дея ҳикоясини давом эттиради авар шоири. Бахтни қаранки, унинг онаси ҳали ҳаёт экан. Қариндошлар унинг уйида жамулжам бўлиб, она Ватанини бегона юртларга алмашган ўғил ҳақидаги ҳикояни ғамгин тинглашади. Адашган ўғилни кечиргандай бўлиб, тирик эканидан суюнишади.*

*Кутилмаганда муштипар «Сизлар аварча сўзлашдингларми?» дея сўраб қолади.*

*«Йўқ, биз таржимон ёрдамида гаплашдик. Мен русча гапирдим, у французча», деган жавобдан сўнг она юзига қора чодрасини туширади. Аварларда оналар ўз ўғлининг ўлганини эшитганда шундай қилишаркан.*

*Узоқ жимликдан кейин онаизор «Расул, сен янглишибсан, менинг ўғлим аллақачон ўлган экан. Агар менинг ўғлим ҳаёт бўлганида, авар онаси ўргатган тилни унутмаган бўларди!» дейишга ўзида куч топа олади...*

*Ушбу мўъжазгина ҳикояда она тилига бўлган юксак ҳурмат-эҳтиром намунасини кўриш мумкин.*

Postda
На посту

РЕФОРМЫ – В ДЕЙСТВИИ

# Школа смелости и отваги

**«Предназначение Караульных войск быть надежными защитниками народа, школой смелости и отваги, пропагандировать здоровый образ жизни, знания, высокую духовность и культуру», – говорит командующий Караульными войсками МВД Республики Узбекистан полковник Х. Батиров.**



Наша страна реформируется и преобразуется. Совершенствуются все стороны жизни общества, в том числе и сфера обеспечения безопасности народа. Согласно исследованиям, благодаря проведенной реорганизации повысился уровень доверия людей к органам внутренних дел, улучшился имидж стражей порядка. Во многом этому способствовало внимание, уделяемое государством сотрудникам органов внутренних дел, улучшение их жилищных условий.

Военнослужащие Караульных войск служат самоотверженно и профессионально. Они вкладывают большую лепту в обеспечение мира и спокойствия в стране.

«Предназначение Караульных войск быть надежными защитниками народа, школой смелости и отваги, пропагандировать здоровый образ жизни, знания, высокую духовность и культуру», – сказал командующий Караульными войсками МВД Республики Узбекистан полковник Х. Батиров. С этими словами нельзя не согласиться.

В войсковой части, расположенной в г. Ташкенте, где командиром является полковник К. Кабиров, созданы все условия, необходимые для выполнения боевых и служебных задач, повышения квалификации: работает современная библиотека, имеются культурный центр, спортивные площадки, другие объекты.

Войсковая часть оснащена самым современным вооружением, военной техникой, новейшими средствами связи, поэтому военнослужащие имеют возможность совершенствовать навыки владения оружием, изучать принципы действия боевой техники, учатся обращаться с ней.

Руководство части уделяет пристальное внимание жилищному вопросу, являющемуся одним из ключевых.

Учитывая то, что на военную службу призываются юноши из различных регионов Узбекистана, в силу понятных причин они не имеют жилья в столице. Учитывая этот факт, в Сергелийском районе Ташкента идет строительство многоэтажных домов для военнослужащих части. Так, в течение 2019 года пятнадцати





военнослужащим, нуждающимся в жилье, был выделен ипотечный кредит, что явилось весомой помощью в решении данного вопроса.

Внедрена выплата компенсации за аренду жилых помещений. Свыше 500 военнослужащих, проживающих в съемных домах, получают от войсковой части соответствующее возмещение средств.

Продовольственное обеспечение войсковой части, как и во всей системе Вооруженных Сил республики, переведено на систему аутсорсинга. Теперь опытные повара готовят разнообразные блюда национальной и европейской кухни. Под строгим контролем работников медицинской службы войсковой части находятся качество и пищевая ценность продуктов и приготовляемых блюд, а также соблюдение правил санитарии и гигиены.

В войсковой части действует подразделение по воспитательной и идеологической работе. Проведение таких мероприятий, как «Заковат», «Интеллектуал ринги», «Кувноклар ва зукколар», «Ош чемпионати», «Ёш китобхон», способствуют расширению кругозора и обогащению знаний военнослужащих, делают содержательным их досуг, а игры Teambilding и Paintboll развивают умение работать в команде, преодолевать трудности сообща, что называется, плечом к плечу.

Идет работа по претворению в жизнь пяти важнейших инициатив, выдвинутых Президентом Республики Узбекистан. В войсковой части действует библиотека, фонд которой насчитывает 2 500 томов художественных и научно-популярных изданий.

В каждом отделении есть «Уголок духовности», в котором военнослужащие содержательно проводят свободное время. Ежемесячно проводится книжная ярмарка. Она знакомит читателей с художественными произведениями авторов отечественной и мировой литературы.

В июне нынешнего года среди военнослужащих Караульных войск проводился смотр-конкурс «Самый передовой читатель». Военнослужащий батальона снабжения войсковой части рядовой Дониёр Бердикулов занял призовое место.

Это говорит о широте его кругозора, стремлении к знаниям, любви к чтению, что еще раз доказывает то, что в войсковой части уделяют большое внимание духовному развитию военнослужащих.

**Шухрат САИДОВ,**
**майор.**

МЕРОПРИЯТИЕ

# День молодежи





**В войсковой части № 7533 Караульных войск МВД Республики Узбекистан, дислоцированной в г. Карши, где исполняющим обязанности командира является подполковник Абдулазиз Салиев, состоялось духовно-просветительское мероприятие, посвященное Дню молодежи. В нем приняли участие руководство войсковой части и первичной организации Союза молодежи части, командование подразделений.**

В части служит более тысячи военнослужащих, из них свыше 700 – по контракту. До молодых стражей Отчизны были донесены суть и значение государственной молодежной политики Узбекистана, цель создания Союза молодежи.

В ходе мероприятия 75 активных военнослужащих, самоотверженно выполняющих все поставленные задачи, являющихся примером для коллег, получили нагрудные знаки Союза молодежи.

Завершила встречу концертная программа. Среди выступающих были младший сержант С. Эргашев и рядовой Ш. Нормухаммедов. Они продемонстрировали свои таланты и заработали громкие аплодисменты.

**Шерали ТУРАЕВ,**
**младший сержант.**

ОДИН ДЕНЬ ИЗ ЖИЗНИ ППС

# ЛЮБИМЫЙ ГОРОД МОЖЕТ СПАТЬ СПОКОЙНО...

**Лето. Поздний вечер. Столица живет повседневной жизнью, которую охраняют сотрудники ППС УППСиООП ГУВД г. Ташкента, Национальной гвардии и других отраслевых служб, заступающие на ночную вахту.**



Обычно патрулирование столицы проходит в две смены: утром и вечером. Но в период борьбы с коронавирусной инфекцией все подразделения ГУВД г. Ташкента переведены на усиленный режим работы, а патрули усилены дополнительными нарядами.

Чтобы воочию увидеть, как проходит патрулирование, мы прибыли в один из районов столицы. Во дворе УКД ОВД Учтепинского района в **19.30** вечера развод проводил заместитель командира по службе 4-го батальона бригады ППС УППСиООП ГУВД г. Ташкента подполковник Б. Каримов.

Записав в блокноты приметы разыскиваемых и получив четкие инструкции, в том числе о правилах общения с гражданами, патрули отправились по маршрутам. Нас «прикрепили» к сотрудникам 3-го отряда 4-го батальона бригады ППС рядовому Н. Мухамедову и военнослужащему Национальной гвардии сержанту Ш. Шомуродову. Так на время мы стали их напарниками.

– На разводе каждый экипаж распределяется по маршрутам, – инструктировал нас рядовой Нодиржон Мухамедов. – Сегодня мы обслуживаем 11-, 12-, 21- и 23-й кварталы и улицы Лутфий и Заргарлик Учтепинского района. Отвечаем за охрану общественного порядка, несем службу в две смены, обеспечивая безопасность граждан и их имущества. В ходе патрулирования вместе с военнослужащими Национальной гвардии и сотрудниками других правоохранительных органов напоминаем гражданам о необходимости соблюдения правил карантина; разъясняем, почему людям преклонного возраста важно как можно реже выходить на улицу, носить маску даже тем, кто здоров; объясняем, что нужно бросать использованные медицинские маски и перчатки только в урны для мусора.

Кстати, наш напарник – рядовой Нодиржон Мухамедов в органах внутренних дел служит с 2018 года. У 29-летнего уроженца столицы за два года службы накопилось немало примеров того, как они задерживали отъявленных злодеев, помогали гражданам, на чей кошелек зарились охотники за чужим добром. Но он говорит, что в этом нет ничего героического, ведь это его работа.

– Если нарушитель особо опасен, – продолжает Н. Мухамедов, – то мы «вооружаемся» приемами рукопашного боя, чтобы дать достойный отпор хулиганам и защитить мирных граждан.

Мы двигались по улице Лутфий. В местах скопления людей включали аудиоролик, информирующий на двух языках о мерах профилактики коронавируса, и транслировали его через громкоговоритель. Если видели граждан, разгуливающих без масок или спускающих их на подбородок, останавливались, и рядовой Н. Мухамедов и сержант Ш. Шомуродов проводили разъяснительную беседу с местными жителями.

Вдруг инспектор ППС и военнослужащий Национальной гвардии подошли к водителю «Ласетти», припаркованной у обочины, и попросили предъявить документы, а потом, отдав честь, возвратили их владельцу.

– Обычная проверка документов, – ответил рядовой на наш вопросительный взгляд и добавил: – Бдительность нельзя терять ни на минуту.

**22.00.** Идет проверка продовольственных и вино-водочных магазинов. В связи с карантином, рабочий режим торговых точек, супермаркетов был установлен до 22.00 часов.






На часах **22.40.** По рации сообщили, что на улице Катта Хирмонтепа, вдоль дороги собралась толпа. Незамедлительно прибыли на место. Рядом с частной клиникой «Джексофт МДС», что рядом с Учтепинским хокимиятом, стояла толпа людей, многие были без масок. Увидев патрульную машину, некоторые молодые люди быстро собрались и уехали. Рядовой Н. Мухамедов и его напарник вместе с территориальным инспектором профилактики напомнили присутствующим, что больше трех человек собираться нельзя, нужно строго соблюдать социальную дистанцию. Всех попросили разойтись. Вопрос был урегулирован, и мы поехали дальше. Но через пять минут инспектор профилактики снова позвал на подмогу. Оказалось, люди, которых буквально несколько минут назад попросили разойтись, собрались в жилом массиве, в проходе между многоэтажными домами.

Прибыв на место, рядовой призвал всех к порядку, предупредив, что за неподчинение сотрудникам органов внутренних дел он привлечет всех к ответственности. На этот раз толпа разошлась.

Объезжая кварталы района, сотрудники внимательно вглядывались: все ли магазины и торговые точки закрыты. В окнах одного из минимаркетов, на 14-м квартале, горел свет. В помещении находились владелец и работник магазина.

– Наводим порядок после рабочего дня, – объяснил нам предприниматель.

Практически все магазины, торгующие спиртными напитками, закрыты. А в тех, что продолжали работать, при виде патрульной машины тут же гасили свет и закрывали двери. Понимают, что за нарушение установленного порядка могут лишиться лицензии …

**23.15.** Проезжая пересечение улиц Лутфий и Фархадской, заметили на остановке четырех мужчин без масок. Увидев, что к ним приближается патрульная машина, все рванули в разные стороны. Наряд ППС поспешил за ними. Один не успел сесть в свой «Матиз» и был задержан нацгвардейцем. Другой побежал в сторону улицы Катта Хирмон, но был остановлен рядовым Н. Мухамедовым.

Сотрудник правоохраны попросил беглеца предъявить документы. Мужчина стал вести себя агрессивно, оскорблял нецензурными словами. На подмогу рядовому подоспел экипаж. Мужчину доставили в ОВД № 1 Учтепинского района для выяснения обстоятельств и установления личности. Уже в отделе стало известно, что 23-летний М. М. увлекается запрещенными препаратами и привлекался к административной ответственности.

**01.00.** Направились в сторону 14-го квартала. У обочины была припаркована «Каптива» черного цвета. В машине сидели двое мужчин. Увидев патрульную машину, они выскочили из машины, кому-то перезвонили, и двери автомобиля закрылись. Стражи порядка подошли к неизвестным и попросили предъявить документы. Но у мужчин при себе их не оказалось. Вид у них был испуганный. На вопросы сотрудников, кто они и что делают в столь позднее время, мужчины что-то промямлили, вызвав еще большее подозрение.

Рядовой Нодир Мухамедов попросил открыть автомобиль и услышал в ответ, что хозяин авто сейчас находится дома. Минут через 20 к машине подошел мужчина и представился ее владельцем. Сотрудники сделали ему замечание, так как он был без маски. Он открыл дверь, взял из салона маску и надел ее. К тому времени подоспел еще один экипаж, с рядовым Д. Боймирзаевым. При понятых прошел осмотр. Внимание сотрудников привлекло то, что коробка от одеколона лежала отдельно от самого флакона. Когда владельца авто попросили показать содержимое коробки, он что-то быстро вынул из нее и выкинул на землю. Оказалось, то была головка опиумного мака. На земле нашли также 500-сумовую купюру, в которую было завернуто зеленое вещество с острым специфическим запахом. По факту был составлен протокол, всех троих доставили в ОВД № 1.

**03.00.** Покинули отдел внутренних дел. Ехали по ночным улицам. Редко проезжали машины. Никаких криков о помощи, пьяных разборок и уличных боев между молодежью не наблюдали. Уставшие, но довольные, мы возвращались домой. Довольные, оттого что на улицах нашего города в ту ночь не случилось ничего ужасного. Во всяком случае, в тех районах, где нам довелось побывать.

Благодаря стражам правопорядка, которые достойно несут службу в любую погоду, днем и ночью, в чем мы воочию убедились, любимый город может спать спокойно.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото Хусана КАСИМОВА.**

## МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

# ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, БИТИРУВЧИЛАР!



**Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтида навбатдаги битирув тантаналари бўлиб ўтди. Тадбирда йиғилганлар битирувчиларга ўқув юртида олган билим ва кўникмаларини келгусида хизмат жойларида қўллаган ҳолда, она Ватан олдидаги бурчини садоқат билан бажаришларини тилашди.**

Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида тажрибали профессор-ўқитувчилар томонидан битирувчиларга мутахассисликлари бўйича замонавий моддий-техник база асосида пухта таълим-тарбия берилиб, уларни юксак профессионал тайёргарликка, чуқур билим ва мустаҳкам амалий кўникмага эга бўлишларига, чет тилларини мукаммал эгаллашларига алоҳида эътибор қаратилди.

– Ўқиш даврида ҳарбий, сиёсий ва ижтимоий фанларни чуқур ўрганиб, эндиликда, Ватанимиз тинчлиги ва



халқимиз осойишталиги йўлида садоқат билан хизмат қилишга астойдил бел боғладик, – дейди лейтенант Асомиддин Жаҳонов.

Тадбирнинг асосий қисмида Миллий гвардия қўмондони буйруғи билан битирувчиларга «лейтенант» ҳарбий унвони ҳамда диплом ва кўкрак нишонлари топширилди.

– Ушбу маросимда битирувчиларнинг нечоғлик ҳарбий хизматга тайёр эканликларига гувоҳи бўлдик, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Тўлқин Каримов. – Зеро, Ватанни ҳимоя қилиш муқаддас ва шарафли вазифадир, бу борада уларга улкан зафарлар тилаймиз!

Тантанали тадбир якунида курсантлар ва махсус батальон ҳарбий хизматчилари томонидан намойиш этилган кўргазмали чиқишлар ҳамда Алоҳида ҳарбий намунали-кўргазмали оркестр ижросидаги мусиқалар барчага манзур бўлди.

– Фарзанди ўқишни битириши ҳар бир ота-она учун қувончли воқеадир, – дейди хурсандчилиги юзидан сезилиб турган Барно Каримова. – Ўғлим ҳам ёш офицерлар сафидан жой олганидан ғоят бахтиёрман.

Биз ҳам она Ватан ҳимоясига отланган мард ва жасур ўғлонларга келгусидаги хизматларида улкан ютуқлар тилаймиз.

**Эътибор ШИРАЕВА,**
**лейтенант.**
**Нафосат ЗАФАРОВА,**
**оддий аскар.**

# ФУҚАРОЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

**Инсон саломатлиги – бебаҳо неъмат. Шу сабабли олимлар соғлом одамни табиатнинг нодир асарига қиёслашади. Бинобарин, бугунги карантин пайтида ҳар қачонгидан ҳам ўз саломатлигимизни ҳимоя қилмоғимиз даркор.**



Юртимиздаги барча ташкилот, корхона ва муассасаларнинг ходимлари қатори, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ҳам пандемияга қарши курашиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширaётир. Жумладан, улар инфекциянинг олдини олиш бўйича аҳоли ўртасидаги эпидемиологик барқарорликни таъминлашга йўналтирилган дезинфекция ишларида мунтазам қатнашиб, фуқароларимизни кўринмас ёвдан асраб келмоқда.

Ўтказилган ушбу тадбирлар давомида бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар коронавирус инфекциясининг олдини олишдаги жонбозлиги учун Миллий гвардия қўмондонлигининг кўкрак нишони, Фахрий ёрлиғи ва ташаккурномалари билан мукофотланди.

– Пойтахтимиздаги бозорлар, аҳоли яшаш пунктлари ва жамоат жойларида дезинфекция ишларини олиб боряпмиз, – дейди Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти батальон командирининг ўринбосари – штаб бошлиғи, майор Ҳаётжон Жўраев. – Бу эса халқимизни мазкур балодан ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Коронавирусга қарши назорат тадбирларини олиб бораётган барча соҳа вакиллари санитария-эпидемиология қоидаларига риоя этган ҳолда юртимиз аҳолисига ёрдам кўрсатса, албатта, ушбу касалликни тез фурсатларда енга олишимиз шубҳасиз.

***Жасур* ШЕРМАТОВ,**
**капитан.**

**Республика Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти ҳамкорлигида Тошкент шаҳридаги Ғалаба боғида «Аждодларга эҳтиром» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.**




# АЖДОДЛАРГА ЭҲТИРОМ

Унда Республика Маънавият ва маърифат маркази таълим-тарбия муассасалари билан ишлаш бўлими ходимлари, Миллий гвардия ҳарбий-техник институти профессор-ўқитувчилари, курсантлари, Сирдарё вилоятининг Бахт шаҳрида жойлашган Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги республика ўғил болалар ўқув тарбия муассасаси тарбияланувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.



Хотира – инсоннинг инсонлигини англатувчи, уни ўтмиш ва истиқбол билан боғлаб турувчи буюк қадрият эканлиги билан ҳам юксак аҳамият касб этади. Ғалаба боғи чин маънода хотира боғидир.

Уруш даҳшатларини, воқеаларини, оқибатларини билган ёшларимиз тинчлик нақадар улуғ неъмат эканлигини билади. Ғалаба боғи ёшларни ватанпарвар қилиб тарбиялайди, тарихнинг ўрганилмаган саҳифаларини очади.

Ҳаётда адашган ва бугун махсус мактаб тарбияланувчиси сифатида хатолари учун афсус билан яшаётган ёш йигитлар ушбу маскандаги ҳар бир экспонатни диққат билан кўздан кечириб, ўзлари учун ҳаётий сабоқ олдилар, жамият учун муносиб инсон бўлиш, келгусида хайрли ишларни амалга ошириш учун аждодларга муносиб авлод бўлиб ўқиши, билим олишлари лозимлигини яна бир карра тушуниб етдилар.

Тадбир якунида Республика Маънавият ва маърифат маркази таълим ва тарбия муассасалари билан ишлаш бўлими бошлиғи М.Мусаев мазкур тарбия муассасаси тарбияланувчиларига эсдалик учун адабий-бадиий китоблар тақдим этди.

**Ҳилола ИБРОҲИМОВА,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази бош мутахассиси.**

МУЛОҲАЗА

**Сизнингча, камбағаллик қандай пайдо бўлади? Уни келтириб чиқарадиган омиллар борми? Ҳа, талайгина: ишсизлик, дангасалик, коррупция, таниш-билишчилик, ичкиликбозлик... Биз бу иллатларнинг энг аянчлиси, жамики кўнгилсизликлар дояси ичкиликбозлик ҳақида тўхталмоқчимиз. Дарвоқе, дунёда ичкиликбозлик иллатидан жабр кўрмаган, унга қарши турли чоралар қўлламаган давлат бўлмаса керак.**

# КУЛФАТ КЕЛТИРАДИГАН ИЛЛАТ



Мақоламиз аввалида ичкиликбозликни бекорга камбағалликка боғламадик. Улар азалдан ёнма-ён келган. Японлар шунинг учун ҳам «Ароқ ичиш ва кўп ухлаш – камбағалликка олиб келади», деб бонг урган бўлса, ўзбеклар «Ичкилик – иллат, келтирар кулфат» дея бежиз айтмаган. Шу маънода тиббиёт отаси Гиппократнинг қуйидаги сўзлари ҳам ўринли: «Ичкилик болаларнинг касалманд ва нимжон бўлиб ўсишига сабаб бўлади». Араб олими ва ёзувчиси Абул Фараж эса ичкиликбозликни кўплаб иллатлар асоси деб атайди. Балки, у бироз ошириб юборибди, дегувчилар топилар. Лекин бир нарсада олим ҳақ: ичкилик кўплаб жиноятлар доясидир. Бундай фикрга шунчаки келмаганимизга қуйида амин бўласиз.

Сўнгги пайтларда автомашинасини маст ҳолда бошқариб фалончини уриб юборибди, ичкилик таъсирида писмадончининг номусига тегибди, мастлик оқибатида ўғрилик қилибди, ароққа пул топиб бермагани учун яқинларини ўлдирибди каби хабарларга кўп дуч келяпмиз. Яқинда Андижон вилоятида рўй берган даҳшатли воқеа ҳам ичкилик оқибатида содир бўлган. Сиз ҳам уни эшитган чиқарсиз:

...Андижон вилоятининг Асака туманида яшовчи 50 ёшли эркак турмуш ўртоғига 5 марта, 18 ёшли қизига 18 марта пичоқ уриб ўлдирган. Маълум бўлишича, ичкиликка муккасидан кетган оила бошлиғи ўша куни уйида спиртли ичимлик ичиб, маст бўлиб қолган. Рафиқаси рўзғордаги камчиликларни, қизининг бўйи етиб қолгани ва эри уни турмушга бериш ҳақида ўйламаётганини «айтиб, эркакни койиган. Онасининг ёнини олган қиз ҳам отасига эътироз билдирган.

Эр мастликда турмуш ўртоғининг кўкрагига уч марта, биқинига икки марта пичоқ уриб ўлдирган. Кийимларини топиб бериш баҳонасида қизини чақириб, уни ҳам ўлдирган... Гувоҳи бўлганингиздек, бундай мудҳиш ҳолатларни бир омил, яъни спиртли ичимлик ичиш, мастлик бирлаштириб турибди.

**Ўз вақтида аҳолиси орасида жуда оммалашган ичкиликбозлик Россия императори Пётр I ни ҳам анча безовта қилган кўринади. Йўқса, чўяндан ясалган 7 килограммга яқин тош босадиган «медаль»ни бир ҳафта мобайнида пиёнисталар бўйнига осиб қўймаган, улар ҳамма жойга шу матоҳни кўтариб юришга мажбур қилинмаган бўларди. Энг муҳими, бу медаль «қаҳрамон»нинг бўйнига шундай маҳкамланганки, уни ўзича олиб ташлашнинг иложи бўлмаган.**

Хизмат тақозоси билан республикамизнинг турли ҳудудларида бўламиз, турфа одамлар билан учрашамиз. Ангрен шаҳрида хизмат сафарида пайтимиз тажрибали профилактика инспекторининг айтган гапи ҳали-ҳамон мени ўйга толдиради. У «50–60 фоиз жиноятлар спиртли ичимлик истмол қилиш орқасидан, мастлик оқибатида келиб чиқади» деганди.

Спиртли ичимликлар қандай кулфатларга олиб келиши, одамнинг инсонийлик қиёфасидан чиқиши, манқуртга айланишини далилловчи мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Яқинда ички ишлар органларининг Патруль-пост хизматида фаолият олиб борадиган сафдор укамиз бир гапни айтиб қолди:

– Чақирув бўйича манзилга етиб борганимизда, кўп қаватли уйнинг иккинчи қаватидан бақир-чақир эшитила бошлади. Нима гап экан, дея энди уй йўлагига киришга чоғланиб турганимизда, бирданига ён томонимизга бир нарса «тап» этиб тушди. Не кўз билан кўрайликки, у уч-тўрт ёшлардаги бола экан. Дафъатан шошиб қолдик. Болани ким ташлади, нега ташлади? Бироз индамай турган бола тўсатдан бақириб йиғлади. Тезда шифохонага етказдик. Қўлининг синганини айтмаса, ҳаёти сақлаб қолинди. Маълум бўлишича, бола ўша бақир-чақир қилинаётган оиланинг фарзанди экан.



Эр-хотин ичкиликка шунчалик муккасидан кетганки, ичмаган куни, уришмаган вақти бўлмас экан. Ўша куни ҳам улар спиртли ичимлик ичиб ўтиришганда, уч ёшли фарзанди отасига хархаша қилган. Маст отага эса бу ёқмаган. «Шу тобда сен кам эдинг», дея худди бир нарсани отиб юборгандек, фарзандини деразадан улоқтириб, яна ичишда давом этган.

Ўткинчи кайфу сафо учун фарзандига зиён етказиш, яна иккинчи қаватдан ташлаб юбориш... Ҳатто ҳайвон ҳам боласига бундай қабиҳликни раво кўрмаса керак. Ана шу иллат таъсирида дунёга келган, шундай носоғлом муҳитда яшаган фарзанднинг келажаги қандай бўлади? У ҳам ота-онаси каби пиёниста бўлмаслигига ким кафолат беради?

Бошқа вилоятдан бўлган бир танишим йўқлаб келди. Бир амаллаб уйга етиб келгач, ўпкаланган бўлди: «Э, шунақа тупканинг тагида яшайсизми? На бир ароқ дўкон бор, на пиво ичадиган жой. Икки юз грамм учун шаҳарнинг нариги тарафига боришга тўғри келди. Шуни билганимда ўзимиз томондан иккита «яримта» олиб келардим». Мана бизнинг аҳволимиз.

**Хўш, одам нима учун спиртли ичимлик ичади? Бу саволларга бериладиган жавоблар ҳар хил: кимдир асабни тинчлантириш, кайф қилиш учун деса, яна кимдир муаммо, ғамни унутиш учун, дейди.**

**Айримлар учун туғилган кун, меҳмондорчилик, байрамлар яхши баҳона.**

Баъзиларга эса буларнинг ҳеч бири шарт эмас. Ундайларга ароқ ичиш учун доимо сабаб топилади: қўшнининг ити туғса ҳам, бозордан эски телефон сотиб олса ҳам, хуллас баҳона доим тайёр.



Энг аянчлиси нима, биласизми? Ичкиликбозлик тобора урф бўлиб бораётгани, ота ўғли билан, эр хотини, невара бобоси билан ҳеч тортинмай ичиб ўтириши.

**Швейцарияда ўтган асрнинг бошларида аҳолини рўйхатга олишганда, бир фактга эътибор қаратишади. Мамлакатда тўққиз мингга яқин ақли заиф кишилар бор экан. Маълум бўлишича, уларнинг аксарияти узум ҳосилини йиғиш ва байрам кунлари она қорнида пайдо бўлган экан.**

Одатда бундай пайтларда аҳоли ўртасида ичкилик кўп ичилиши кузатилган. Ичкилик кам истеъмол қилинадиган пайтларда вужудга келган ҳомиладан нормал ривожланган болалар туғилган.

Ҳар бир давр ва жамият бу иллатга қарши азал-азалдан курашиб келган. Тиббиёт ҳам ичкиликни қоралаган ҳолда, унинг инсон вужудига, насли ва зурриётига бўлган салбий таъсирини исботлаб берган. АҚШ соғлиқни сақлаш институтида тайёрланган маълумотда мазкур мамлакатда бир йилда икки юз минг кишининг ўлимига спиртли ичимликлар ичиш сабаб бўлгани кўрсатилади.

Тадқиқотлар спиртли ичимликлар ДНКга жиддий зарар етказиши, инсон танасида ҳужайраларни заифлаштириши ҳамда саратон касаллигини сезиларли даражада ошириб юборишини исботлади. Буюк Британиядаги Саратон тадқиқотлари маркази тадқиқотчилари спиртли ичимликларни истеъмол қилиш етти турдаги саратон касаллигига чалиниш хавфини келтириб чиқаради, деган хулосага келишди.

Француз врачи Деммэ 28 йил давомида эр ҳам, хотин ҳам ичкиликка берилган ўнта оилани кузатади. Бу оилаларда 57 та бола туғилган, улардан 25 таси ёшига етмай ўлган, 5 тасида тутқаноқ, 5 тасининг бош миясида сув, 12 таси руҳий хаста бўлган. Фақат 10 та бола нормал туғилган.

Хулоса қилиб айтганда, ичкиликбозлик жамиятга катта зарар етказади. Ундан қутулиш ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун озгина ирода ва қатъият керак, холос.

**Фозилжон МАМАШАРИПОВ,**
**«Postda» мухбири.**

**Дарвоқе, кулфат келтирадиган иллатлардан азият чекавергач, алалоқибат улардан қутилган ва пурмаъно хулосага келган инсоннинг «Чекмаслик ўчоққа ўтин, ичмаслик қозонга гўшт» деган доно ўгитларига амал қилсак, «камбағаллик» деган матоҳ ҳам ўз-ўзидан тўзиб кетарди...**

В ТЕСНОМ СОТРУДНИЧЕСТВЕ

# Общие усилия дают результаты

**В деле профилактики правонарушений и борьбы с преступностью важную роль играет сотрудничество между правоохранительными структурами.**



Сотрудники органов внутренних дел и военнослужащие Национальной гвардии работают в тесном взаимодействии по многим направлениям правоохранительной деятельности. Одно из них – осуществление широкомасштабной профилактической работы с лицами, находящимися на учете службы пробации.

Специалисты-психологи Наманганского областного управления охраны Национальной гвардии Республики Узбекистан совместно с ответственными сотрудниками отдела пробации УВД Наманганской области проводят профилактические мероприятия, целью которых является работа с лицами, состоящими на учете службы пробации, предупреждение совершения ими правонарушений и преступлений. Особый акцент делается на изучение условий жизни, обстановки в семьях, трудоустройства данной категории лиц, оказание им практической помощи в случае возникновения проблем.

В ходе профилактических бесед психологи выявляют нужды людей. Дело в том, что не все могут открыто рассказать о наболевшем. Замыкаясь в своих проблемах, некоторые пытаются решать их неправомерными методами, которые могут стать причиной возвращения в преступный мир. Открытый разговор, попытка выяснить, что на самом деле уводит человека от истинного пути, во многих случаях помогают лицам данной категории почувствовать поддержку, выбрать честную, правильную жизнь, заботиться о своих семьях.

Для справки. На учете отдела пробации УКД ОВД г. Намангана состоят 1 614 человек. Они распределены по различным категориям. Стражи порядка ведут с ними целенаправленную профилактическую работу. К примеру, 574 поднадзорных лица встали на путь исправления, что не может не радовать. 345 человек считаются склонными к совершению правонарушений, 145 – состоят на учете как лица, стоящие на грани совершения преступлений. Распределение по категориям позволяет вести работу в конкретном русле, определяя наиболее эффективные методы воздействия с тем, чтобы прилагаемые усилия привели к ожидаемым результатам.

В условиях карантина представители обеих структур особое внимание уделяют людям, состоящим на учете службы пробации. Некоторые из них из-за пандемии остались без работы. Чтобы не допустить повторного совершения преступлений данной категорией лиц, их часто посещают, выясняют имеющиеся проблемы, стараются помочь в их решении.

Большое значение в ходе профилактической деятельности уделяется проведению доверительных бесед с поднадзорными. Разъяснительная работа, индивидуальная беседа с психологом помогают им стать увереннее в себе, не оступиться и выбрать правильный путь.

Профилактические мероприятия продолжаются. Сотрудники органов внутренних дел и специалисты психологической службы Наманганского областного управления охраны Национальной гвардии совместными усилиями пытаются предупредить совершение повторных преступлений лицами, состоящими на учете службы пробации. Общие усилия дают результаты.

**Азиза ЖАНИЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
*Наманганская область.*





ЗЕМЛЯ-КОРМИЛИЦА

# БЛАГОУСТРОЕННЫЙ ДВОР КАПИТАНА



**Старший инспектор профилактики опорного пункта № 27 ОПП отдела внутренних дел № 2 УКД ОВД г. Бухары капитан Мурод Саломов с 2014 года служит на территории МСГ «Турки жанди». Раньше он жил в одном из многоэтажных домов города вместе с родителями и семьей брата.**

В 2018 году на вверенной территории капитану предоставили служебный дом. Он благоустроил приусадебный участок. На двух сотках земли посадил яблоню, грушу, черешню, айву, абрикос, персик и превратил двор в сад. Ежегодно он выращивает картофель, морковь, помидоры, клубнику, зелень, поэтому его стол богат на овощи и фрукты. Не забыл инспектор профилактики и о цветах, которые украшают фасад его дома.

– Я старший ребенок в семье. После женитьбы младшего брата нам стало тесно в двухкомнатной квартире. Мечтал переехать в дом с приусадебным участком. Мечта сбылась, когда выдали служебное жилье, – говорит Мурод Саломов. – Моя супруга, Нодира Мухсинова, работает учителем. Ей вместе с детьми удобно ходить в школу, потому что дом расположен недалеко от нее. Сейчас, в период карантина, супруга находится дома и занимается воспитанием детей. В свободное время всей семьей работаем на приусадебном участке. Овощи и фрукты, которые мы сами посадили и вырастили, очень вкусные. Большое счастье – наслаждаться плодами своего труда.

**Мирзокул АХАДОВ,**
**корреспондент «Postda».**

***На снимке:*** *капитан Мурод Саломов с супругой на приусадебном участке.*

*Бухарская область.*

НОВОСЕЛЬЕ

# СОВРЕМЕННОЕ ЗДАНИЕ СЛУЖБЫ ПРОБАЦИИ



**В настоящее время особое внимание уделяется организации успешной деятельности Службы пробации при Главном управлении исполнения наказания МВД Республики Узбекистан и ее подразделений на местах, обеспечению необходимой техникой и оборудованием. В регионах при содействии местных хокимиятов достигаются положительные результаты. 85 процентов от общего числа групп пробации размещены в отдельных зданиях органов внутренних дел. Созданы условия для беспрепятственного посещения ими граждан.**



Новое здание Службы пробации при Главном управлении исполнения наказания МВД построено с учетом всех международных стандартов. В ходе проектирования изучался опыт возведения административных зданий служб пробации США, Испании и Австралии. Сегодня подходят к завершению строительно-монтажные работы.

Заместитель министра внутренних дел генерал-майор Баходир Мирзарахимов ознакомился с проводимой работой, высказал мнение о необходимости создания удобств и условий для граждан, поделился своими рекомендациями. В здании, возводящемся с учетом международного опыта, будут функционировать зал для проведения видеоконференций, форумов, кабинеты психологического тренинга, психокоррекции, служебные кабинеты, другие помещения.

Посредством единой централизованной электронной системы, которую планируется установить в новом здании, можно будет вести учет электронных браслетов и устройств наблюдения, которые позволяют осуществлять дистанционный контроль над лицами, находящимися под надзором в отделах пробации, задержанными, контролировать отбывание ими сроков наказания, а также вести мониторинг служебной деятельности сотрудников, служащих в регионах. В трехэтажном здании кроме службы пробации будут размещены отдел пробации ГУВД города Ташкента, группа пробации УКД ОВД Яшнабадского района.

**Пресс-служба ГУИН МВД Республики Узбекистан.**

ТРЕТИЙ СЕКТОР

# Основная задача – поддержка народа

**В последние годы в стране осуществляются последовательные меры по комплексному социально-экономическому развитию регионов, улучшению условий жизни людей.**




– На территории третьего сектора Избасканского района расположено 14 махаллей, в которых в общей сложности проживают более 51 тысячи жителей, – говорит руководитель 3-го сектора, начальник Избасканского РОВД подполковник Бектемир Бахромов. – Объявленная пандемия внесла некоторые изменения в социально-экономическое развитие сектора. Увеличилось количество нуждающихся семей, стало больше безработных. В ходе подворовых обходов были выявлены 145 малообеспеченных семей, 230 семей, нуждающихся в помощи, 123 – в которых есть инвалиды, 114 – лишившихся из-за карантина постоянного дохода.

Недавно 109 человек, потерявших работу в период пандемии, были трудоустроены, из них 77 – в фермерских хозяйствах, 13 человек – на сезонных полевых работах. Пятерым гражданам для постройки теплиц были выделены субсидии в размере 4 миллионов 600 тысяч каждому.

В районе функционирует птицеводческий кластер. 14 семьям выделены по 150 бройлерных цыплят, которых они будут выращивать 45 дней, после чего птицу сдадут в кластер. За выполненную работу птицеводы получат по 3 миллиона сумов. К примеру, жители махалли Гузар – Набира Рахмонова, Баходир Рахмонов, Лутфулло Маматалиев, Шавкатбек Усмонов, Мукум Бадалов, Шухрат Масолиев получили на откорм по 150 бройлерных цыплят. Этим же займутся жители махаллей Элатан, Турткул, Гудур, Истиклол, Ботирobod, Навои Боймахалла – Абдувохид Абдужабборов, Дилафруз Ибрагимова, Гулнора Артикова, Фатима Турдиева, Мансура Исмаилова, Лутфулло Курбонов и Дониёр Мамадалиев.

Кроме того, каждой семье с невысокими доходами выделяются для выкармливания по две козы и 10 кроликов.

Малоимущим семьям были выданы 84 козы, которые дают в день по три литра молока. Так, Севара Исмоилова и Хуршида Оллокулова из махалли Элатан, Ортикали Ниёзов и Турсуной Тошматова из махалли Ифтихор, Косим Эргашев и Феруза Усарова, проживающие в махалле Гудур, Муроджон Хайдаров и Ахмадали Исомов – жители махалли Тинчлик получили на откорм по две высокопродуктивные козы.

Сельчанам также выделяются субсидии для организации пчеловодства и разведения рыбы.





В ходе подворовых обходов и проведения индивидуальных бесед выявляются различные проблемы жителей, касающиеся обеспечения жильем, природным газом, электричеством, питьевой водой, баллонами с бытовым газом. Люди просят помочь с устройством детей в детские дошкольные учреждения, трудоустройством, получением кредита в банках и оказанием адресной помощи. В целях более глубокого изучения нужд населения каждую неделю по графику в махаллях проводятся выездные приемные. На сегодняшний день выявлено 160 проблем, многие из которых решены на месте.

Несмотря на предпринимаемые усилия, для устранения проблем требуется сделать еще многое. В процессе обеспечения строгого исполнения конкретных поручений, данных главой нашего государства в области искоренения бедности, в центре внимания всегда должны находиться вопросы дальнейшего укрепления взаимодействия государственных органов, активистов махаллей и других общественных структур.

**Борис КЛЕЙМАН, корреспондент «На посту».**

ЭҲТИРОМ

# КЎТАРИНКИ РУҲДА



Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни барча жойларда бўлгани каби, ИИВ Бирлашган таҳририятида ҳам кўтаринки руҳда нишонланди. Тадбирда ИИВ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиғи – Ички ишлар вазирининг матбуот котиби, полковник Шоҳруҳ Ғиёсов машаққатли касб эгаларини мазкур сана билан қутлаб, уларнинг келгусидаги фаолиятида улкан зафарлар тилади.

Шунингдек, Ички ишлар вазирининг буйруғи билан таҳририятнинг бир гуруҳ ходимлари фахрий ёрлиқ, эсдалик қўл соатлари ва пул мукофоти билан тақдирланди. Узоқ йиллар шу жамоада самарали меҳнат қилган Садриддин Шамсиддинов ва Абдусами Ҳақбердиев ҳурмат-эҳтиром билан нафақага кузатилиб, анъанага кўра, уларга тўн кийдирилиб, қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**Михли САФАРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

# ПОРА БЕРИШ ҲАМ ЖИНОЯТ
## ёки барбод бўлган «Кўмир» операцияси

**ШАХСИЙ ИЛТИМОС**

Ўтган йилги кузнинг сўнгги куни. ИИВ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси Тошкент минтақасидаги темир йўл транспортида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси «Кучлук» бекати бўлинмаси бошлиғи, майор Анвар Сафаров хонасида ЖҚГ тезкор вакили, майор Ихтиёр Содиқов билан хизмат юзасидан гаплашиб ўтирган эди. Шу пайт навбатчи қўнғироқ қилиб:

– Ўртоқ бошлиқ, бир фуқаро қабулингизга кирмоқчи. Шахсий илтимоси бор экан, – деди.





У эндигина рухсат сўраб кетмоқчи бўлиб турган ходимини тўхтатиб:

– Шошмай туринг, – деди. Сўнг навбатчига жавоб қайтарди. – Майли, кирсин.

Хонага 50–55 ёшлар атрофидаги, озғинроқ бир киши салом бериб кириб келди.

– Хўш, хизмат? – дея унинг муддаосини билишга қизиқди майор А. Сафаров.

Ҳалиги киши бир майор А. Сафаровга, бир майор И. Содиқовга қараб каловланиб турди.

– Бу киши ўзимиздан, гапиравеоинг, – деди уни тинчлантириб А. Сафаров.

Шундан сўнг у айёрона кулимсираб паст овозда гап бошлади:

– Сиздан угина, биздан бугина деганларидек, олдингизга иккимиз учун ҳам фойдали бир таклиф билан келган эдим.

– Хўш, эшитайлик-чи таклифингизни...

– Шу бекатдан ўтадиган юк вагонларидан пича кўмир олсам. Ходимларингизга тайинлаб қўйсангиз – мени тутиб олишмаса. Олдиндан сизни рози қилардим.

– Пичангиз қанча экан?

– Ҳа, энди от билан туя бўлармиди, 30-40 қоп-да.

– Ўзингиз жиноят қилмоқчи бўлганингизга етмагандек, мениям жиноятга бошлаяпсиз-ку.

– Вой, командиржон, шуям жиноятми? Давлатнинг мол-мулки шу 30–40 қоп кўмир билан камайиб қолармиди.

– Жиноятнинг катта-кичиги бўлмайди. Ҳар қайсиси учун тегишли жазо бор, – деб Анвар Сафаров уни ниятидан қайтармоқчи бўлди.

Лекин Ҳалим Маматқулов (исм-шарифи ўзгартирилди) жиноий режасидан воз кечадиган кўринмасди. У деса, бу дерди, бу деса у дерди.

– Сизлар кўрмасликка олсангизлар, ким ҳам билиб ўтирарди, – деди у овозини янаям пастлатиб. Кейин пихиллаб кулди.

«Мен таклифига ёлғондакамига кўнмасам, патруллик қиладиган ходимларимни йўлдан уришга уриниши мумкин. Уни жиноят устида қўлга олмасак бўлмайдиганга ўхшайди», хаёлидан ўтказди майор А. Сафаров. Кейин ходими билан маъноли кўз уриштириб деди:

– Қўймадингиз, қўймадингиз-да, ака. Майли, сизга ёрдам қилсак қилайлик. «Мол» бўладиган кунни ўзим хабар бераман. Уяли телефон рақамингизни қолдириб кетинг.

– Э, тушунадиган одам экансиз, – дея қувониб кетди Ҳалим Маматқулов. – Гап деган бундоқ бўлибди-да.

**КУТИЛГАН ҚЎНҒИРОҚ**

Орадан бир ҳафталар ўтиб, ўтказиладиган тезкор тадбир режаси пишгач, Анвар Сафаров Ҳалим Маматқуловга қўнғироқ қилди.

– Бугун кечки пайт кўмир ортилган вагонлар бекатдан ўтади, – деди у ўзини танишгирган.

– Гапингизни тушундим. Ҳозир олдингизга атаганимни олиб бораман, – деди қувончини яшира олмай Ҳалим Маматқулов.

Хуллас, у «Кучлук» темир йўл бекатидан ўтадиган юк вагонларидан кўмир маҳсулотларини ички ишлар органи ходимининг тўсқинлигисиз олиши эвазига мансабдор шахс ҳисобланган майор Анвар Сафаровга 200 минг сўм пулни пора сифатида бераётганида ИИВ Ўз хавфсизлиги бошқармаси Туризм ва транспорт объектларида хавфсизликни таъминлаш бўйича бўлими тезкор ходимлари томонидан қўлга олинди.

**ТАВБА-ТАЗАРРУ**

Тергов ва суд жараёнида Ҳалим Маматқулов айбига тўлиқ иқрор бўлди. У қилмиши жиноят эканлигини ҳам, буни майор Анвар Сафаров тушунтириб, ниятидан қайтармоқчи бўлганини ҳам тан олди.

Астойдил пушаймон бўлиб, ўзини оқлаш учун ишсизлигини, узоқ йиллар Россияда ишлаб, касалманд бўлиб қайтганлигини, оиласи моддий қийин аҳволда эканлигини айтиб, енгилроқ жазо берилишини сўради. Суд жазо тайинлаш чоғида бу каби енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олди. Шунинг учун унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилганидан ҳам камроқ, яъни олти ой озодликни чеклаш жазосини тайинлади. Иш бўйича далилий ашё деб эътироф этилган 200 минг сўм пул эса давлат фойдасига ўтказилди.

Ушбу жиноят тафсилотларини қаламга олишимиздан муддао жиноятга жазо муқаррарлигини таъкидлаш. Шунинг баробарида нафақат пора олиш, балки пора бериш, унинг олди-бердисида воситачилик қилиш ҳам жиноят эканлигини эслатиб ўтамиз.

**Холида САЙДАЗОВА,**
**Тошкент транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия кичик маслаҳатчиси.**
**Бобомурод ТОШЕВ.**
**«Postda» мухбири.**

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАНЛАР

**Қуйидаги шахслар бедарак йўқолганлиги учун Бўстонлиқ тумани ИИБ томонидан қидирилмоқда:**



1986 йил 4 мартда Тошкент вилояти Оҳангарон туманида туғилган, Тошкент шаҳар Миробод тумани Фарғона йўли кўчаси 6-уйда яшаган **Каримов Наиль Ринатович** 2015 йилнинг 30 май куни соат тахминан 03:30ларда Бўстонлиқ туманида жойлашган «Чорвоқ» сув омборида чўкиб кетиб бедарак йўқолганлиги учун қидирилмоқда.

Унинг белгилари: бўйи 170–175 см., юзи овалсимон, қоши қора, бурни ва лаби ўртача катталикда.

Алоҳида белгилари мавжуд эмас.

* * *



1982 йил 26 октябрда Тошкент вилояти Қибрай туманида туғилган, Қибрай тумани Салар қўрғони Университет кўчаси 12-уйда яшаган **Шораҳимов Шокир Шорасулович** 2015 йилнинг 1 август куни «Чорвоқ» қўрғонидан оқиб ўтувчи Угам дарёсида чўмилаётган вақтида оқиб кетиб бедарак йўқолганлиги учун қидирилмоқда.

Унинг белгилари: бўйи 170–175 см., юзи овалсимон, қоши қора, бурни ва лаби ўртача катталикда.

Алоҳида белгилари мавжуд эмас.

* * *



1973 йили 17 апрелда туғилган, Тошкент шаҳар Сирғали тумани Спутник-6 61-уй 24-хонадонда яшаган **Ғиёсов Илёс Абдураҳмонович** 1999 йил 3 июнь куни «Чорвоқ» сув омборида чўмилаётган вақтда оқиб кетиб бедарак йўқолганлиги учун қидирилмоқда.

Унинг белгилари: бўйи тахминан 170–175 см., юзи юмалоқ, ўртача гавдали, сочи ва қошлари қора, кўзи қора, бурни ўртача катталикда, лаби ингичка.

Алоҳида белгилари мавжуд эмас.

* * *



1989 йил 24 апрелда туғилган, Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани «Чинор» маҳалла фуқаролар йиғини Хумсон кўчаси 41-уйда яшаган **Шокаримова Ақида Абдуҳамидовна** 2013 йил 15 октябрь куни ўзи яшаб келган уйдан номаълум томонга чиқиб кетиб бедарак йўқолганлиги учун қидирилмоқда.

Унинг белгилари: бўйи 175–178 см., юзи овалсимон, сочи ўрта сариқ, кўзи қора, бурни ўртача катталикда, лаби қалин.

Алоҳида белгилари мавжуд эмас.

Ўша куни унинг эгнида қизил рангли кўйлак, оёғида қора рангли туфли бўлган.

**Юқорида қайд этилган шахсларни кўрган ёки улар ҳақида бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан Оҳангарон шаҳар ИИБнинг (070) 98-301-33-11, 645-14-40 телефон рақамларига қўнғироқ қилишини ёки яқин атрофдаги ички ишлар идораларига хабар беришларини сўраймиз.**

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

# КЎЗОЙНАКЛАР ФОЙДАЛИМИ ЁКИ ШУНЧАКИ УРФМИ?

**Қуёшдан тарқаладиган ультрабинафша нурлар кўз пардасининг шикастланишига олиб келиши, ҳатто кўпгина касалликларга сабаб бўлиши мумкин. Унинг миқдори ҳавони ифлослантирувчилар таъсирида кўпаяди. Кўзни тоза сақлаш учун ҳам қуёшдан ҳимоялайдиган кўзойнак керак. У кўзга кирадиган ультрабинафша нурларнинг камида 99 фоизини ушлаб қолади.**

**Қуёшдан химоя қилувчи кўзойнаклар қуйидаги тоифаларга ажратилади:**
*** 0 – шаффоф, тиниқ ёки енгил тус берилган шиша (ёруғлик ўтказувчанлиги 100 фоиз);**
*** 1 – енгил тус берилган шиша (ёруғлик ўтказувчанлиги 80 фоиз);**
*** 2 – ўртача тус берилган шиша (ёруғлик ўтказувчанлиги 43 фоиз);**
*** 3 – кучли тус берилган шиша (ёруғлик ўтказувчанлиги 18 фоиз);**
*** 4 – кучли тус берилган шиша (ёруғлик ўтказувчанлиги 8 фоиз).**







Хамелеон кўзойнаклар ёруғлик даражасига қараб қораяди. Унинг икки тури мавжуд: биринчиси секин-аста қораяди ва очаради, иккинчи тури эса тез қораяди ва тез очаради.

Қуёшдан ҳимоялайдиган сифатли кўзойнаклар 380 нанометргача бўлган ёруғлик нурларини ютиши керак. Албатта, бу талаб хамелеон кўзойнакларга ҳам тааллуқли. Шуни ёдда тутиш керакки, қорайтирилган кўзойнакда ультрабинафша нурланишдан ҳимоялаш бўлмаса, бундай кўзойнак соғлиғимизга жиддий зарар етказади. Сифатсиз қора шиша ортида кўз қорачиғи кенгаяди ва ультрабинашфа нурлар кўзга яна ҳам кўпроқ ўтади, оқибатда кўз гавҳари ва тўр пардага шикаст етади.

Қуёшда кўп юришига тўғри келадиган касб эгалари (қурувчилар, далада ишлайдиганлар ва бошқалар) ён томонлама ҳимоялайдиган кўзойнак тақиши лозим, шунда қулоққа тақадиган ён қисмидан кўзга кўп ёруғлик тушмайди. Унинг гардиши қулай бўлиши керак. Никель гардишли кўзойнакларни тақиш тавсия этилмайди, чунки улар осон деформацияга учрайди, яъни шакли ўзгаради. Иккинчидан, кўпинча терида аллергик реакцияларни келтириб чиқаради.

Шишанинг ҳамма туси ҳам кўзингизни қуёш нуридан ва кўз тинишидан сақлайвермайди. Контакт линза тақадиганлар эса гардишни диққат билан тўғри танлай билишлари лозим: линза қуёшдан, ультрабинафша нурлардан, шунингдек, шамол билан кирувчи чанг ва ғуборлардан сақлай олиши шарт.

Кўзойнаклар ёруғликнинг кўринадиган қисмидан ва кўринмас ультрабинафша ҳамда инфрақизил нурлардан асраши лозим. Ультрабинафша нурларнинг кучи йил фасллари, кунга боғлиқ тарзда ўзгаради, шунингдек, ўзгарувчанлик жуғрофий кенглик ва денгиз сатҳидан қанча баландликда бўлишига ҳам боғлиқ. Ҳар 1000 метр баландликда ультрабинафша нурлар тахминан 15 фоизга кучаяди. Қуёш чарақлаб турган об-ҳаво шароитида ультрабинафша нурлар булутли кун ёки тутунга тўла осмон бўлган шаҳарлардан кўра кучлироқдир.

Хуллас, кўзларда, ўзгаришлар пайдо бўлиши билан дарҳол офтальмологга учрашиш керак. Халқимиз айтганидек, ҳар қандай касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган афзал. Шунинг учун фақат сифатли, қуёшдан ҳимоя қиладиган кўзойнаклардан фойдаланинг. Кўзойнаклар тайёрлаб сотадиган махсус дўконларга мурожаат этинг. Кўз шифокорлари текшириб, юзингизга мосини тавсия этади. Шундан фойдаланинг.

**Адолат ФАЙЗИЕВА тайёрлади.**

# КЎПРОҚ ЯЁВ ЮРСАНГИЗ...

**Шифокорларнинг тавсиясига кўра, ҳар куни камида 10 минг қадам пиёда юриш керак экан. Ваҳоланки, шаҳар шароитида кўплар 1000 қадам ҳам юришмайди: ишга машинада боришади, юқори қаватга лифтда кўтарилишади. Камҳаракатлилик натижасида кўпгина касалликлар келиб чиқади. Авваламбор, кураклар, умуртқа поғонаси оғрийди, киши семириб кетади.**

## ОЗМОКЧИ БЎЛСАНГИЗ...

Яқин-яқинларгача кўпчилик югуриш озишнинг энг самарали усули деб ўйларди. Лекин сўнгги тадқиқотлар югурганда ёғ қатламининг 50 фоизи эриб кетса, тез юрганда 65 фоизи парчаланишини кўрсатди. Бундан ташқари, пиёда юрганда модда алмашинуви тезлашиб, тана чиниқади. Мутахассислар тез ва секин юришни алмаштириб туришни ҳамда нотекис жойда юришни, зинада юқорига кўтарилишни маслаҳат беришади.



## ЮРАК ЧИН ДИЛДАН РАҲМАТ АЙТАДИ

Пиёда юрганда, қон айланиши яхшиланади, қон босими меъёрига келади. Бундан ташқари, қизил қон таначалари кўпайиб, зарарли холестерин камаяди. Ҳар куни яёв юришга одатлансангиз, гипертония ва юрак хуружи хасталикларига чалинишингиз хавфи ҳам камаяди. Хуллас, юрагингиз сизга чин дилдан раҳмат айтади.

## ҲАР ИККИСИГА ҲАМ ДАВО

Кечалари ухлай олмай қийналасизми? Кундузлари уйқисираб юрасизми? Пиёда юриш ҳар иккисига ҳам даво бўлади. Эрталаб пиёда юрсангиз, ўзингизни кун бўйи тетик-бардам ҳис этасиз. Шунинг учун имкони бўлса, ишга пиёда қатнанг. Кечки пайт яёв сайр қилсангиз, асабларингиз тинчланади, сиқилишларингиз тарқайди, мириқиб ухлайсиз, тиниқиб турасиз.

## УЗОҚ ЯШАЙ ДЕСАНГИЗ...

17000 киши иштирокида тажриба ўтказилди. Тажриба якунлари кунига ўртача 20–30 дақиқа пиёда юрганлар кам ҳаракат қилганлардан узоқроқ умр кўришини исботлади. Шундан сўнг баъзи олимлар пиёда юрганда инсон организмида ДНКнинг яхлитлигини сақловчи ва кексайиш жараёнини назорат қилувчи ферментлар ишлаб чиқарилади деган хулосага келишди. Демак, узоқ яшай десангиз, кўпроқ пиёда юринг.

## АҚЛЛИ БЎЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ...

Яёв юрганда, қон айланиши яхшиланган боис, мияга кўпроқ кислород ва глюкоза етиб келади. Бу эса бизга мураккаб масалаларни ҳал этиш, қизиқарли ғояларни илгари суриш имконини беради.

Япониялик олимлар томонидан ўтказилган тажриба енгил жисмоний юкламалар миянинг хотира учун жавоб берувчи қисми катталашишига кўмаклашишини кўрсатди. Бундан кўриниб турибдики, кексалар ҳар куни пиёда юрсалар, хотиралари тиниқлашар экан.

## ТЎҒРИ ЮРИШНИ БИЛАСИЗМИ?

Пиёда юришнинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидалари бор. Елкаларингизни кенг ёйиб, гавдангизни тик тутиб юринг. Олдинга энгашиб юрсангиз, белингиз оғриши мумкин.

Одим ташлашни товонингизни ерга теккизишдан бошланг. Кейин оёғингизнинг учини босинг. Шунда оёқларингизнинг мушаклари чиниқади. Пиёда сайр қилиш учун қулай пойабзал танланг. Фақат яёв юриш борасида шифокор билан маслаҳатлашишни унутманг.



**Хуршида ФАЙЗИЕВА тайёрлади.**

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши Миробод тумани бўйича ИИОФМБ ЖҚБ гуруҳ катта тезкор вакили, подполковник

**Баҳодир БОТИРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши Миробод тумани бўйича ИИОФМБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник

**Анвар АСКЕРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.



# Детская страничка

## Кто какую рыбу поймал?

Малыш: 10-8+3=
Тигрёнок: 7-3-2=
Карлсон: 4+5-5=
Кеша: 3+4-7=
Мышонок: 20-12-7=
Мамонтёнок: 12-10+1=






**Древняя мудрость**

С помощью шифра прочти древнюю мудрость.

## Прочитай слова

ВИ___НА ПО___Л
ГЕОМЕ___Я ___Д
СМОР___А ___ШЮТ
ЭЛЕК___ЧКА С___Ж
НОВОС___ Ш___Х

Вместо пропусков подставь цифры «1», «2» и «3» так, чтобы получились хорошо знакомые слова. «1» читается как «ОДИН», «2» – как «ДВА» или «ПАРА» (например, пара обуви), «3» – как «ТРИ» или «ТРОЙКА» (отметка в тетради).



**Бывает острый, бывает сладкий**
**Этот продукт томатный.**
**Особенно пицца и шаурма**
**Совсем без него не вкусна.**
(пучтек)



**Бывает на палочке, бывает в стаканчике,**
**Бывает брикетом, бывает в пакетах.**
**Холодное и сладкое,**
**Уж очень на вкус приятное…**
*(еонежором)*

## Помоги Незнайке

Расположи кусочки сети так, чтобы можно было прочесть пословицу.




## У ТАНИ ДЕНЬ РОЖДЕНИЯ

Эту зовут Таня. Сегодня у неё день рождения. и Жучка пошли в . Петя нашёл . Лена нарвала . Катя увидела под большую белую . А Дима снял и и нарвал в . подарили Тане красивый . А принесла . Но он весь облетел. Ребята весело смеялись. Потом Таня пригласила всех в . На стоял и красивый . А дали вкусную .

## На чем путешествовал Филиппок во сне?

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 2 | 5 | 14 | 4 |
| | 1 | 4 | 13 | 7 |
| | | 4 | 12 | 9 |
| | | 3 | 12 | 10 |
| | 3 | 11 | 10 | 1 |
| | 4 | 9 | 11 | 1 |
| 1 | 4 | 7 | 12 | 1 |
| 2 | 5 | 4 | 12 | 2 |
| | | 10 | 13 | 2 |
| 5 | 3 | 1 | 13 | 3 |
| | | 4 | 17 | 4 |
| | | 3 | 17 | 5 |
| | | 2 | 17 | 6 |
| | | 1 | 17 | 7 |
| | | 6 | 11 | 8 |
| | 5 | 2 | 9 | 9 |
| | 4 | 3 | 8 | 10 |
| | 4 | 4 | 8 | 9 |
| | 3 | 7 | 6 | 9 |
| 3 | 7 | 1 | 5 | 9 |
| 2 | 7 | 2 | 4 | 10 |
| 2 | 5 | 4 | 3 | 11 |
| 1 | 4 | 6 | 2 | 12 |
| 1 | 2 | 8 | 1 | 13 |
| | | | 2 | 23 |

Хочешь узнать, на чём Филиппок путешествовал сегодня во сне? Тогда раскрась правильно клеточки. Цифры показывают, сколько клеток и какого цвета нужно закрасить по порядку в горизонтальном ряду. Отсчёт ведётся слева направо.

«ЧЕРНЫЙ МАК-2020»

# ВО ДВОРЕ – КАННАБИС, В КАРМАНЕ – ГАШИШ...

**Правоохранительные органы Узбекистана ведут непримиримую борьбу с преступлениями, связанными с незаконным оборотом наркотиков. Особо эффективными являются совместные действия, предпринимаемые в данном направлении сотрудниками соответствующих ведомств.**



Так, в ходе проведения мероприятия «Корадори-2020» сотрудники ОУР Касансайского РОВД и подразделения СГБ Наманганской области осуществили проверку дома одного из жителей района. Было установлено, что хозяин дома выращивал наркотикосодержащие растения: три куста – в цветочном горшке и столько же – в пластмассовом ящике.

Помимо этого, из кармана его брюк было изъято вещество, похожее на наркотик, завернутое в два отдельных целлофановых пакета. Данное средство направили на экспертизу в ЭКО районного отдела внутренних дел.

Согласно заключению, выращиваемые растения оказались каннабисом, содержащим активное вещество, а обнаруженные в кармане свертки, упакованные в целлофановые пакеты, – гашишем весом 0,34 грамма.

По данному факту следственным отделением при Касансайском РОВД возбуждено уголовное дело в соответствии с ч. 1 ст. 270 Уголовного кодекса Республики Узбекистан.

**Азиза ЖАНИЕВА, корреспондент «На посту».**
*Наманганская область.*

## МИРОВЫЕ НОВОСТИ

### ПОЛИЦИЯ ИСКАЛА БАБУШКУ...

В городе Днепре (Украина) из дома, расположенного по улице Космонавтов, пропала 82-летняя женщина. Инцидент произошел поздно вечером, сообщают местные СМИ.



Родственники пропавшей вызвали полицейских. Правоохранители прибыли около полуночи. Никто не мог понять, куда исчезла бабушка. Позже выяснилось, что в то время, когда полицейские обследовали прилегающую территорию, она пряталась за шторой в соседней комнате. Известно, что старушка страдает деменцией. В данное время с ней все в порядке.

### ВЫЗВОЛИЛИ И АРЕСТОВАЛИ

Житель Суиндона (Великобритания) Фредерик Моултон попытался влезть в чужой дом, но застрял в окне.



Дело с самого начала пошло не по плану – Моултон пытался влезть в пустой дом через окно, но оно прижало его ногу. Сначала незадачливый вор пытался вылезти самостоятельно, но когда понял, что застрял капитально, позвонил в пожарную службу. Прибывшие на место происшествия пожарные поняли, каковы были намерения Моултона, и, вызволив его из «оконного» плена, вызвали полицию, которая арестовала мужчину.

Теперь ему грозит 18 месяцев тюрьмы, заявляет прокурор.

## Разыскиваются пропавшие без вести



**ШИХОВ Рузибой Мухамедович,** 1963 года рождения, уроженец Хорезмской области, прож.: г. Ахангаран, МСГ «Кургон», улица Янгиер, дом 15, который в сентябре 2005 года вышел из дома и пропал без вести.

* * *



**МАСЛОВ Анатолий Александрович,** 1986 года рождения, уроженец Ташкентской области, прож.: г. Ахангаран, дом 5/5«А», кв. 85, который в июле 2012 года выехал в Российскую Федерацию на работу и пропал без вести.



**ЮЛДАШЕВ Бахтиёр Исломович,** 1960 года рождения, уроженец Республики Каракалпакстан, прож.: г. Ахангаран, квартал 50, дом 2, кв. 11, который в марте 2002 года выехал в Республику Казахстан на работу и пропал без вести.

* * *



**КОВАЛЕНКО Виталий Анатольевич,** 1975 года рождения, прож.: г. Ахангаран, 4-й микрорайон, дом 19, кв. 35, который в 2004 году выехал в Российскую Федерацию на работу и пропал без вести.

***Сведения, способствующие розыску, просим сообщить в ОВД г. Ахангарана по телефону: (070) 98-301-33-11, 645-14-40, или в ближайший отдел внутренних дел.***

## ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

*(с 29 по 5 июля)*



**Овен.** Воздержитесь от заключения сделок и не приступайте к новым проектам. Там, где удастся, переложите свои обязанности на плечи коллег или близких людей. Не вмешивайтесь в чужие конфликты. Старайтесь сохранить приподнятое настроение, избегайте волнений.



**Телец.** Неделя подходит для достижений и перемен в профессиональной деятельности. Выделите наиболее важные дела и займитесь их воплощением в жизнь. Этот период интересен в плане сердечных дел. Не исключены новые встречи и знакомства, которые могут в корне поменять вашу дальнейшую жизнь.



**Близнецы.** Постарайтесь избегать конфликтных ситуаций, так как в спорах и ссорах вам везти не будет. Сейчас больше подойдет обходная тактика. Если попытаетесь что-то требовать от родных и близких людей, то получите волну раздражения и непонимания.



**Рак.** Вы можете почувствовать себя разбитыми, особого желания трудиться не будет. Не издевайтесь над собой, лучше возьмите передышку. Через некоторое время вы легко наверстаете упущенное. Многие встречи, которых вы ждете, могут срываться по причинам, от вас не зависящим.



**Лев.** Не обращайте внимания на маленькие недоразумения, которые могут возникнуть, причем не по вашей вине. Какие-то планы могут сорваться потому, что вам не хватит времени на их воплощение. Постарайтесь получать как можно больше положительных эмоций и общаться только с приятными людьми.



**Дева.** Эта неделя подарит много возможностей, поэтому спокойно планируйте трудновыполнимые дела и важные встречи. Не пренебрегайте правилами техники безопасности на работе. Кое-кого ждет судьбоносное знакомство, которое может перерасти в большую любовь.



**Весы.** Нельзя расслабляться и плыть по течению. Стройте планы, но не настраивайтесь на определенный результат, дайте возможность проявиться случаю. Любимый человек готов поддержать вас. Сейчас хорошее время для шопинга – вам удастся совершить выгодные покупки и получить от этого удовольствие.



**Скорпион.** Если хотите начать новые дела, не упустите шанс! Данная неделя очень хороша для раскрытия ваших творческих способностей. Постарайтесь больше времени уделять любимому делу или тому, что необходимо выполнить. Не отказывайте в помощи людям, но и не позволяйте собой манипулировать.



**Стрелец.** Не делитесь сокровенными мыслями даже с близкими людьми: информация может дать утечку и использоваться против вас. Не доверяйте тем, кто слишком много обещает. Возможны ссоры с любимым человеком. Уделите максимум внимания финансовым вопросам.



**Козерог.** Начинать новые дела, подписывать бумаги пока не рекомендуется. Одиноким представителям знака судьба может подарить новое увлечение или более серьезные чувства. Это время хорошо использовать для начала комплекса оздоровительных мероприятий. Пойдет на пользу смена обстановки.



**Водолей.** В ближайшие дни вам позволительно идти на поводу у своих желаний. Внутренний голос будет направлять по нужному пути, и если вы почувствуете, что не хотите с кем-то встречаться или выполнять какие-либо обязанности, то можете с чистой совестью этого не делать.



**Рыбы.** Будьте осторожны во всем – можете получить бытовую или производственную травму. В любовном плане станьте тише воды и ниже травы. Никаких перемен! Сейчас вы не сможете объективно оценить ситуацию, а это может привести к конфликтам.

ТАШРИФ

# ТАНИҚЛИ ОЛИМА БИЛАН УЧРАШУВ

**Республика Маънавият ва маърифат маркази қошидаги «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзоси Жамила Шермуҳаммедова Нурота тумани ҳокимлиги биносида маҳалла фуқаролар йиғинларининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ходимлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича раис ўринбосарлари билан «Оила – жамият кўзгуси» мавзусида очиқ мулоқот ўтказди.**

Таниқли олима ҳар бир ёш оила мустаҳкамлигида миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлади. Шунингдек, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фарзанд тарбияси, хотин-қизларнинг жамиятда ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш ушбу учрашувнинг асосий мавзусига айланди.



Навоий вилояти ИИБ биносида ташкил этилган учрашувни вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Шуҳрат Абдумуратов очди. У соҳа вакилларининг ўз ишига янада масъулият билан ёндашган ҳолда жойларда хотин-қизлар иштирокида кенг кўламли ва самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши, руҳиятида жиддий ўзгариши бор аёллар билан индивидуал ишлаш тартибини йўлга қўйиш лозимлигига алоҳида урғу берди. Жамила Шермуҳаммедова эса ўзининг бой психологик тренинг ҳамда ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашди. Айниқса, ҳозирда хотин-қизларнинг тазйиқ ва зўравонликка учраш ҳолатлари ва оилавий ажримлар кўпайиб бораётганлигига тўхталиб, муаммоларнинг ечими ҳақида фикрларини билдирди.

– Бугунги кунда баъзи инсонларнинг меҳр-муҳаббатида самимийлик камайиб боряпти, – деди фалсафа фанлари доктори, профессор, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси Жамила Шермуҳаммедова. – Аслида, муҳаббат кенг қамровли тушунча: Ватанга, оилага, қариндошларга, яқинларга, дўстларга муҳаббат... Агар бу ҳис ақл-фаросат билан ўлчанса, оилада ўзаро жанжал ҳам, ажримлар ҳам юзага келмайди. Миллат тарбиячиларини эътиборсиз қолдиришнинг ўзи энг катта фожиадир. Шунинг учун биз оилаларда соғлом муҳитни яратиш чораларини кўришимиз керак.

Мотивацияга бой тарзда ўтказилган мулоқот ҳамда маҳорат дарси том маънода соҳа ходимларининг келгуси фаолиятида бой тажриба бўлиб хизмат қилади. Учрашув якунида ички ишлар органларида бурчига садоқат билан хизмат қилиб келаётган хотин-қизлар Жамила Шермуҳаммедова иштирокида ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Келажагимиз эгаларига қаратилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар ҳар бир ёшнинг қалбига ўзгача шукуҳ ва ҳаяжон бахш этади. Хусусан, Навоий вилояти ИИБ ҳамда Республика Ёшлар иттифоқи Навоий вилояти Кенгаши ҳамкорлигида «Ёшлар ойлиги» доирасида шаҳар-туманлардаги баъзи бир муаммолар сабаб фарзандларига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олмаган оилалар ўрганилиб, уларнинг фарзандларига гувоҳнома тайёрланди. Тадбирнинг давоми эртаси куни Навоий шаҳридаги «Ёшлар маркази» биносида ташкил этилиб, 11 дона туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома Жамила Шермуҳаммедова томонидан болажонларнинг ота-оналарига топширилди.

**Завқиддин ХЎЖАНОВ,**
**подполковник.**
*Навоий вилояти.*

ЖУРНАЛНИ ВАРАҚЛАГАНДА

# МУТОЛАА ЗАВҚИДАН БЕБАҲРА ҚОЛМАНГ

**Азиз муштарийлар, «Qalqon – Щит» журналининг июнь сони нашрдан чиқди. Журнал саҳифаларини бир-бир варақлар экансиз, турфа рукнларда ранг-баранг мавзулар қамраб олинганини кузатишингиз мумкин. «Буюк аждодларимиз» рукни остида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи, генерал-лейтенант Б.Матлюбовнинг ўзбек адабиёти осмонининг порлоқ юлдузларидан бири – Чўлпоннинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги мақоласи чоп этилган. Муаллиф ИИВ Академиясида таҳсил олаётган курсант ва тингловчиларнинг шоир ижодини ўрганиш борасида амалга оширилаётган ишлари хусусида алоҳида тўхталиб ўтади.**










«Один день из жизни инспектора профилактики» сарлавҳали мақолада Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани «Тутзор» МФЙда хизмат вазифасини бажариб келаётган катта лейтенант Гайдар Акимниязовнинг бир кунлик иш фаолияти ҳақида сўз боради.

Мулоҳаза рукнидаги «Покиза қалби бор уларнинг...» номли материалда журналист Гулноза Турғунбоева жамиятимиздаги меҳрга ташна, ақли заиф болалар ҳақидаги оғриқларини ёзиб, барчани бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишга, инсоний туйғуларни асраб-авайлашга чақиради. Журналнинг ўзига хос замонавий дизайни ҳам сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.




**Postda**
На посту

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –
mayor Azizjon FAYZIYEV
katta leytenant Aziza BAHODIROVA

Mas'ul kotiblar –
Erkin SATTOROV
Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –
Sherzod ABDUSAMADOV
Dinara SHAMUXAMEDOVA

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo'yicha:
71-231-38-74;
95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001. Bank kodi 00420. ATIB «Ipotekabank»ning Mirobod filiali. STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4219.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 56 661 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.